

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ ЙЎНАЛИШИ

5141500 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими

Жумаев Ғиёс Мамасодиқович

**“Ўзбек халқи маънавияти ривожига халқ
оғзаки ижоди ва миллий байрамларнинг ўрни”
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Термиз – 2014

МУНДАРИЖА:

I.Кириш.....	2-6
II.Адабиётлар таҳлили.	
III.Асосий қисм	
I-БОБ. Миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижодиётининг ўрни.	
1§. Маънавиятнинг таърифи тўғрисида мулоҳазалар ва унинг фалсафий таҳлили.....	7-14
2§. Қадимги халқ оғзаки ижоди ва унинг бугунги кундаги аҳамияти.....	15-22
3§. Миллат маънавиятини ривожлантиришда халқ оғзаки ижодиётининг тутган ўрни.....	23-33
II-БОБ. Миллат маънавиятини ривожлантиришда миллий байрамларнинг тутган ўрни.	
1§. Миллий байрамлар ва уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни.....	34-50
2§. Мавзу юзасидан бир соатлик дарс ишланмаси.....	51-60
IV.Хулоса.....	61-64
V.Фойдаланилган адабиётлар	65-67

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Президент И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг **“Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар”**¹ номли фаслида бугунги кунда маънавиятимизга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонлар чуқур таҳлил қилинган. Президентимиз ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар** бу борадаги энг муҳим омиллар сифатида келтирилган.

Юртимиз истиқлолга эришган саодатли бугунги кунда, мамлакатимиз халқларининг анъана ва маросимлари ўзининг қадимий кўринишларини тиклаб, жамиятимиз тараққиётини тезлаштирадиган буюк кучга айланмоқда, жамият ҳаётига шодлик, қувонч бағишлайдиган, уларда мустақиллик ва унинг медаларидан фахрланиш ҳиссини уйғотадиган анъана ва маросимлар кенг оммалашмоқда, ёш авлодни миллий кадриятлар руҳида тарбиялашда таъсирчан омил бўлиб хизмат қилмоқда.

“Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ”². Юртбошимизнинг ушбу сўзларидан кўриниб турибдики, мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда жамият аъзолари маданий-маънавий, ахлоқий камолоти суръатларини тезлаштириш, таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш тадбирларини мунтазам амалга ошириш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан куроли экан, ундан тўғри фойдаланиш, ёшларни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мамлакатимиз истиқболи ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида, миллий ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 35-бет.

² Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ этиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т., Ўзбекистон, 2000, 61-бет.

умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш асосида соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш билан бевосита боғлиқ эканини идрок этган ҳолда, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида “Маънавий асослари”, “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” ҳамда бошқа шу каби ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитилмоқда.

Бироқ яхши биламизки, тарбия бир қолипга солинган ёхуд рамкага жойланган нарса эмас. Шунинг учун ҳам у фақатгина белгиланган муайян дарслар жараёнидангина иборат бўлмай, балки тарбияланувчининг турмуш тарзи давомида шаклланадиган ходисадир. Фикримизни Сафо Очилнинг тарбия ҳақидаги қуйидаги мулоҳазалари ҳам исботлайди: "Тарбия бериш деганда, кимнидир махсус бир хонага ўтказиб, фақат панд-насихат беришни эмас, балки ўйин давомида, уй юмушлари жараёнида, таълим ва илм ўргатиш вақтида ҳаёт ва турмуш сабоқларини қиёсий йўсинда тушунтиришни, қолаверса, шахсий ўрнак кўрсатиш одатини тушунмоқ ва билмоқ лозим. Шу омиллар бир-бири билан қўшиб олиб борилиши керак".

Ҳар бир халқнинг ўзи учун эъзозли, қимматли бўлган маънавий бойликлари бўлади. Булар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган, ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамияти ва қадрини йўқотмаган, шу халқнинг ифтихор манбаига айланган дурдоналардир. Масалан, қирғиз халқи «Манас» достони билан, мисрликлар қадимий пирамидалар, французлар Париждаги Лувр саройи, ўзбеклар Самарқанду Бухоро ва Хива билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Миллат ва элатларнинг ўзига хос тарихий мероси, санъати ва адабиёти билан бир қаторда уларнинг урф-одат ва маросимлари, маданий муносабат ва ахлоқий фазилатлари ҳам маънавий қадриятлар тизимига киради. Булар халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда, ёш авлодни тарбиялашда, шахснинг ижтимоийлашувида муҳим роль ўйнайди. Ўқувчиларни миллий қадриятлар ва миллий байрамлар руҳида тарбиялаш бугунги кунда энг долзарб муаммолардан биридир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ёшларни умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида маънавий тарбиялаш бугунги кунда педагогика фани олдида турган долзарб масалалардандир. Шу маънода О.Мусурмонованинг тадқиқоти катта эътиборга молик. Олима юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантириш борасидаги катор педагогик муаммоларни ечишга ҳаракат қилади. "Бизнинг назаримизда, - деб таъкидлайди О.Мусурмонова, - шахсинг ички маънавий дунёси маънавий эҳтиёж, маънавий қизиқиш, маънавий фаолият ва маънавий кадрият каби асосий белгилар тизимидан иборатдир.

Шахс маънавиятини тарбиялаш ва ривожлантириш, энг аввало, оиладан бошланади ва мактабда давом эттирилади. Худди шу ердан эътиборан мактаб билан оила ўртасида узвий алоқа ўрнатилади. Оиланинг ўрта махсус ва олий ўқув юрти, маҳалла ва меҳнат жамоаси билан ҳамкорлиги таркиб топиб боради. Дарҳақиқат, шахс шаклланишида оиланинг роли катта. Чунки, маънавият, Президентимиз И. А. Каримов айтганларидек, "Тарбия инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан сингади". Олима М. Иномова ҳам "Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси" рисоласида оилавий тарбия муаммоси, унда болаларни маънавий тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланиш масалалари хусусида фикр юритади. Унинг таъкидлашича, "Оилада энг яхши ва олижаноб анъаналар, миллий кадриятлар руҳида тарбияланган бола ўзини англашга, ўзлигини кўрсатиб, ўз шахсини намоён этишга ҳаракат қилади".

Ана шундай шахсларни тарбиялаш нафақат оиланинг балки, жамиятнинг бугунги асосий вазифаси бўлиб қолмоғи лозим. Бу вазифани бажаришда миллий кадриятлар, урф-одатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда яратилган бу бетакрор анъана ва маросимлар, миллий кадриятлар, урф-одатлар олимлар томонидан кўп йиллардан бери мутаазам ўрганилиб келинади. Бу борада айниқса, Қ. Шониёзов, М. Алиева, О. Сафаров, М. Муродов, О. Усмонова каби олимларнинг ишлари ва мақолаларини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур тадқиқотларнинг ҳозиргача ҳар томонлама ва чуқур хронологияси яратилиб, уларда халқ педагогикасининг таълим олувчи шахсга тарбиявий таъсир кўрсатиш муаммосини амалга оширишда эришилган ютуқлари ёритилган. Бошқа тадқиқотлар орасида М. Очилов, А. К. Мунавваров, С. Ахмедов, С. Очилов, О. Мусурмонова, М. Иномова, С. Нишонова томонидан докторлик ишларини алоҳида кайд этиш жоиз.

Битирув малакавий ишининг мақсади: Миллат маънавиятини ривожлантиришда халқ оғзаки ижоди ва миллий байрамларнинг тутган ўрнини ёритишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг асосий вазифалари:

- Қадимги халқ оғзаки ижоди ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини ёритиш;

- Миллат маънавиятини ривожлантиришда халқ оғзаки ижодиётининг тутган ўрнини белгилаш;

- Миллий байрамлар ва уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини ёритиш;

- Мавзу юзасидан бир соатлик дарс ишланмаси ёзишдан иборат.

- **Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги.** Ушбу Битирув-малакавий ишини ёритиш жараёнида Президент Ислом Каримовнинг миллий ва умуминсоний қадриятларга доир масалаларига эътибор қаратдик.

Битирув малакавий ишининг назарий асослари. Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида илгари сурилган маънавий ахлоқий баркамол авлодни тарбиялаш ғоялари, Шарқ мутафаккирларининг маънавий-ахлоқий баркамол инсонни тарбиялашга доир фалсафий-ахлоқий қарашлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", миллий истиқлол ғояси ва мафкураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси фармон ва қарорлари шунингдек, Олий ва ўрта махсус ва халқ таълими Вазирлиқларининг меъёрий ҳужжатлари, илмий тадқиқотлар ташкил қилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши иши кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти. Ўқувчи (талаба)ларни миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида табиялашга қаратилган дарсдан ташқари маънавий-маърифий ишлар жараёни.

Битирув малакавий ишининг предмети. Ўқувчи (талаба)ларни халқимизнинг анъана ва маросимлари, удумлари ҳамда маънавий меросимиз орқали эзгу хислат ва фазилатларни камол топтиришга илмий-педагогик ёндашиш.

Битирув малакавий иши методлари. Таққослаш, индукция, дедукция, қиёсий таҳлил ва тарихий материалларни илмий жиҳатдан ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг илмий аҳамияти. Битирув-малакавий иши билан қизиқувчиларга, файласуфлар, тарихчилар ва миллий ғоя ва маънавият тарғиботи билан шуғулланувчиларга тавсия этилади.

I-БОБ. Миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижодиётининг ўрни

1§. Маънавиятнинг таърифи тўғрисида мулоҳазалар ва унинг фалсафий таҳлили.

Аввало, маънавият тушунчасини баён этар эканмиз, охириги йиллар мобайнида кўпчилик зиёлиларимиз маънавият нима деган саволга жавоб излаб, қизгин изланиш ишлари олиб бораётганликларини айтиш жоиз бўлади. Бунга сабаб маънавиятнинг кўп қиррали тушунча эканлигидир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички руҳий - ботиний томонларини ҳам қамраб олганлигидадир. Ҳозирда матбуотда ушбу мавзуга бағишлаб кўплаб мақола ва мулоҳазалар эълон қилинмоқда, китоблар чоп этилмоқда. Очиғини айтиш керак, бу сўз, бу тушунча «советлар тузуми даврида» кўп ҳам тилга олинмас, муҳокама қилинмас эди.

Биринчидан, маънавият - инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб туришини алоҳида уқдириб ўтиши лозим. Инсон - табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз.

Моддий нарсалар одамга жисмоний озиқ ва қувват берса, маънавият унга руҳий озиқ ва қудрат бағишлайди. Фақат моддий жиҳатдан таъминланиш билан кифояланиш - онгсиз ва руҳсиз махлуқотларга хос. Маънавиятга интилиш эса руҳ ва онг эгаси бўлмиш одамзотгагина хос фазилатдир. Маънавият одамнинг руҳий ва ақлий олами мажмуи каби мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Юқорида айтганимиздек, маънавият жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, уни бир жумлада ифодалаш ниҳоятда мушкул.

Маънавият кўпроқ инсон қалбига, ботиний томонига қаратилганлиги билан ажралиб туради. Шу маънода маънавият инсон қалбидаги илоҳий бир нур саналадики, бу илоҳий нур ҳеч бир жонзотда йўқ. Маънавият шундай

сеҳрли тилсимки, уни тугал ечишга башар қудрати етмайди. Шундай экан, ўқитувчи дарс давомида «маънавият» тушунчасига бир йўла мукаммал таъриф беришга уринмаслигини, мавзуга мукаддима тарзида ёндашиб, унинг баъзи жиҳатларини акс эттирувчи таърифларни бериб ўтишини маслаҳат берамиз.

Бу борада ҳам Президентимиз Ислоом Каримовнинг назарий карашларига, миллий кадриятларимизни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятларига таянишимиз, уни ўзимиз учун дастуруламал қилиб олишимиз мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига жавобларида, маънавият ҳам борлиқ, табиат, жамият каби узлуксиз ҳаракатдаги жараён эканлигини, инсон фикри, тафаккури, ҳис-туйғуси тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули бўлмиш маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлишини уқдириб: «Маънавият авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улғайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган куч...¹» деб таърифлаган эдилар. Бу таърифда инсон фаолиятининг барча маънавий қирралари қамраб олинган бўлиб, биз бундан буён маънавият ҳақида сўз юритганимизда унга методологик асос сифатида таянамиз.

Кейинги пайтларда маънавиятга оид эълон қилинаётган мақолаларда, ўтказилаётган анжуманларда «Маънавият» тушунчасига таъриф бериш, унинг жамият, инсон ва миллат тараққиётидаги ўрнига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таниқли файласуф А.Жалолов «Мустақиллик маъсулияти» асарида «Маънавият - инсоннинг зот белгиси, унинг фаолиятининг ажралмас таркибий қисми, онги, ақл-заковатининг маҳсули»², - деб таърифлаган. «Ҳаёт фалсафаси ва фалсафа ҳаёти» мақоласида бу таърифни янада кенгайтириб, мукаммалроқ тарзда қуйидагича таърифлайди: «Маънавият – инсон фаолиятининг руҳий мазмуни бўлиб, кишилар унинг

¹ Туркистон газетаси, 1999 йил февраль.

² Жалолов А. Мустақиллик маъсулияти. Тошкент., Ўқитувчи, 1996, 29-бет.

воситасида ўзларини англайдилар, жамиятни, табиатни, уларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёти хусусиятларини ўрганадилар, қонунларини кашф этадилар ва уларга таяниб, ўз турмуш шароитлари, амалий фаолиятлари муаммоларини ҳал этадилар»³. Муаллиф ўз фикрини давом эттириб, маънавиятсиз ҳаётни қоронғи бир хонага ўхшатади.

Кўринадикки, бир муаллифнинг ўзи маънавиятни таърифлашга турлича ёндашадикки, бу ҳам маънавиятнинг кўп қамровли тушунча эканлигини кўрсатади.

«Ватан туйғуси» китобининг муаллифлари «Маънавият - жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини мужассамлаштирувчи тушунча»⁴, - деб таърифлаганлар.

Бундан ташқари бир қатор олимларимиз анжуманларда қилган маърузаларида «маънавият - инсондаги ахлоқ, одоб, билим, илм, иймон, ихлос ва инсоният камолоти учун ижобий таъсир қилувчи тизим ёки маънавият - инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий қарашлар йиғиндиси ҳисобланиб, диний ва дунёвий қарашларининг акс этиш даражасидир», деб таъриф бериб келмоқдалар. А. Эркаевнинг фикрича, «Маънавият – инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудот сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилик, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзалликни севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўплаб асл инсоний хислатлари ва фазилатларининг узвий бирлик, муштарақлик касб этган мажмуидир»⁵.

Маънавият муаммоси билан анчадан буён шуғулланиб келаётган олимларимиздан бири М. Имомназаров мазкур масалага бағишлаб иккита китоб чиқарди. Муаллиф биринчи китобида «Маънавият инсон қалбидаги илоҳий нур...»⁶, - деб ёзган бўлса, иккинчи китобида «Маънавият - инсон

³ Мулоқот. 1997, № 5, 15-бет.

⁴ Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Тошкент, Ўзбекистон, 1996, 111-бет.

⁵ Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. Тошкент. Маънавият, 1997, 27-бет.

⁶ Имомназаров М. Маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент: Шарқ, 1996, 6-бет.

қалбида, кўнгил кўзгусида акс этган ҳақиқат нуридир, дейилган таъриф дарҳақиқат, сўфиёна рамзий таърифдир, зотан бошқача таъриф бу чексиз моҳиятни чеклаб қўяди»⁷, - деб ёзади.

Э.Юсупов инсонда мавжуд бўладиган ҳамма хислатлар эмас, балки ижобийларигина маънавият бўла олишини кўрсатиб: «Маънавият - инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»⁸, - деб таърифлайди.

Албатта, юқорида келтирилган фикрларнинг ҳаммасида ҳам маънавиятнинг кўпгина қирралари ўз ифодасини топган ва уларда муаллифлар ўзларининг нуқтаи назарларини билдирганлар, аммо уларда инсон салоҳиятини ўстириш масаласи эътибордан четда қолганлиги кўринади. Ҳали яна кўплаб олимларимиз маънавият тушунчасига ўз муносабатларини билдирадilar ва ана шу билдирилган турли фикрлар асосида умумий мукамал таъриф шаклланади, деган умиддамиз.

Ҳалига қадар маънавият тушунчасига мукамал таъриф шаклланмаганлиги сабаб унинг кенг қамровли, мураккаб ва айни вақтда «соғда» тушунча эканлигида. Маънавият кўпроқ инсоннинг ички, ботиний, яширин дунёсини акс эттиришдир. Инсон ички, ботиний дунёси эса гавҳар тўла тубсиз денгиз сингаридир. Бу денгиздан қанча гавҳар олсангиз тугамагани сингари инсон ички дунёси ҳам тубсиз, ранг-баранг тарзда намоён бўлади. Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз, шунчалик турли-туманлик билан тобланиб, ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён этади. Мана шунинг учун ҳам маънавият тушунчасига мукамал, ҳар тарафлама тўлиқ таъриф бериш мушкулроқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маънавият – инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик

⁷ Ўша муаллиф. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Тошкент: Шарк, 1999, 14-бет

⁸ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998, 34-бет.

билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, юксак мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир, - деб таъриф бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу таъриф энг охирги, қиёмига етган, мукамал деб, айтишимиз мумкин эмас.

И.А. Каримов айтганидек, маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан, ақл ва кўл билан меҳнат қилиши керак⁹.

Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, аждодлар қадриятлари таъсири остида шаклланади. Унинг шаклланишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, давлат олиб борадиган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварликнинг қай даражада амал қилиниши асосий ўринни эгаллайди.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади. Юқорида айтганимиздек, унинг шаклланишида ота-она, инсон яшаётган атроф-муҳит, миллий, диний қадриятлар, жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқи, одоб борасидаги фазилатлари, яъни маънавий дунёси жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади. Инсоннинг маънавий олами асосан ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида, жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади, уни белгилаб берадиган омиллардан бири саналади. Одамларда ахлоқ, одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, байналмилалчилик, инсонпарварлик эътиқоди, ватанпарварлик, миллий ва инсоний ғурур туйғуси, бурч ва масъулиятни ҳис қилиши қанчалик кучли, юқори бўлса, жамият тараққиётининг заминлари ҳам кенгайишига, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлишига олиб келади.

⁹Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, Ўзбекистон, 1993, 74-бет.

Ислом Каримов Олий Мажлиснинг Биринчи чакириқ, Биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият - маърифатли инсоннинг икки қанотидир»¹⁰, - деб кўрсатган эди.

Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолатида ҳам янги даврнинг юзага келишидир. Маънавиятсиз адолатли, юксалиш имкониятига эга бўлган жамият бўлмаганидек, жамиятсиз маънавият ҳам ривожланиши мумкин эмас.

Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларини маънавиятни ривожлантириш, унга таяниш орқали ҳал этиш мумкин.

Маънавият миллатни тараққиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омил саналади. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавият юксак даражада бўлса, ўша жойда, ўша мамлакатда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, ялқовлик, манманлик, текинхўрлик, ғийбат қилишлик, кўролмаслик, ёвузлик, тухмат қилиш каби салбий иллатлар, маънавиятсизлик кўринишларига ўрин қолмайди.

Маънавият ҳар доим маърифат билан уйғун ҳолатда ривожланиб боради. Маърифат - билиш, билим, таниш ва маълумот, - деган маънони англатади.

Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир янги тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замонанинг, миллатнинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли кишилари маърифатпарварлик билан шуғулланганлар. Чунки, маърифат - маънавий қарамлик, кўрқув ва ҳадикни бартараф этади, инсонга беқиёс илоҳий қудрат, мислсиз салоҳият бахш этади. Мамлакат, миллатнинг озодлиги - унинг маърифий уйғоқлигидадир. Одамзод наслининг улуғлиги эса билимдан.

¹⁰ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995, 46-бет.

Билингки, билим ва маънавият ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У инсонларни барча ёмон, ярамас ишлардан, яъники маънавиятсизликлардан тийиб туради. Шу туфайли ота-боболаримиз, авлод-аждодаларимиз доимо маърифат ва маънавиятга интилиб яшаганлар. Улар маънавият ва маърифат чироқларини машъала сингари ёққанлар. Юксак маънавият ва маърифат туфайли Турон замин ер юзида шуҳрат қозонган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизда маънавият ва маърифатга катта эътибор бераётганликларининг асосий сабаби ҳам ана шу маънавий заминларни қайта тиклаш орқали тараққиётга эришиш мумкинлигини кўрсатишидир. Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қилган маърузаларида таъкидлаганларидек, 2005 йилга қадар республикаимизда 1611 та касб-ҳунар коллежи ва 181 академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юр்தларининг замонавий тармоқларини бунёд этиш режалаштирилган¹¹.

Ўқитувчи маърифат ва маънавиятлилик, унинг инсон, жамият ҳаётидаги аҳамияти устида фикр юритиш жараёнида, яна бир нарсага, чунончи маърифат ва маънавият, маънавиятлиликнинг нисбати масаласига ҳам эътибор бериши лозим.

Маънавиятли одамларнинг ҳаммаси ҳам доимо маърифатли, шу билан бирга маърифатли, илмли кишиларнинг ҳам ҳаммаси юксак маънавиятли бўлавермаганлар. Шундай кишиларга қарата ҳақли равишда олим бўлибти-ю, аммо одам бўлмапти ибораси ишлатилади. Бошқача айтганда инсонлар борки, олим эмас. Бўлмаса бўлмас, аммо маънавияти юксак. Олимлар борки, инсон зотига лойиқ эмас. Буниси оғир. Улардан элга, юртга фойда йўқ. Шунинг учун халқимиз: «Олим бўлма - одам бўл», - иборасини ишлатиб келган. Бу маънавият ва маърифат бир-бирини инкор этади дегани эмас. Аксинча, маънавият ва маърифат бир-бирига чамбарчас боғлиқдир. Улар бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиб боради.

¹¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. 38-бет.

Заминимизда камол топган, эл-юртга танилган буюк зотлар, комил инсонлар ўзларида маънавият ва маърифатни юксак даражада мужассам этган алломалар бўлганлар. Шундан қилиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳозирги даврда миллий камолот йўли, комил инсонни, соғлом авлодни вояга етказиш йўли мана шу йўл, бундан бошқа йўл йўқ.

Шундай қилиб, маънавият ва маърифат халқимизнинг, миллатимизнинг келажаги учун сувдай ва ҳаводай зарур. Маънавий ва маърифий тарбияни бирга олиб бориш тараққиёт тақозоси.

2§. Қадимги халқ оғзаки ижоди ва унинг бугунги кундаги аҳамияти

Исломгача бўлган миллий маънавиятимиз ва унинг такомиллашиши ҳақидаги энг муҳим манбалар гуруҳини тўртга бўлиш мумкин. 1. Зардуштийликнинг «Авесто» китоби ва туркий битиклар (ёзувлар). 2. Қадим Шумер, Бобил, Ашшур, қадим Миср, Юнон, Ҳинд, Хитой манбалари ва Эрон шаҳаншоҳларидан қолган тошбитиклар. 3. Археологик ёдгорликлар - моддий ашёлар ва турли иншоотлар. 4. Халқ оғзаки ва ёзма адабиёт намуналари, урф-одат ва маросимлар, ўйинлар, байрамлар ва бошқалар.

Бизнинг энг қадимий аجدодларимиз маънавият ва маърифати ҳақидаги маълумотлар асрлардан асрларга ўтиб ҳозиргача сақланиб қолган миф, афсоналар ва қадимий ёзувларда сақланиб келаётир. Ўрта Осиё халқларининг қадимий миф ва афсоналари турли мавзуларда бўлган. Чунончи космогоник мифлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар бўлиб, уларда яхшилик, бахт-саодат, қуёш нури ва иссиқлик ёмонлик, бахтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарама-қарши қўйилган. Шу асосда бахт ўлкаси ва бахтсизлик ўлкаси деган мифлар юзага келган. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш мифологик образлар Митра, Анахита, Каюмарс, Йима (Жамшид), Эликбек ва бошқалар образида мужассамлаштирилган. Булар ҳақидаги мифлар биз кейинги масалада кўриб ўтадиган зардуштийликнинг «Авесто» китобига ҳам кирган.

Митра – қуёш худоси. У кишиларга нур, иссиқлик, бахт-саодат бахш этади. Шу билан бирга у яхши қуролланган бўлиб, душманларга қарши даҳшат солади, кишиларни офатдан қутқаради. Митра битмас-туганмас кучга эга бўлган паҳлавон сифатида тасвирланган. У душманга қарши шафқатсизлик билан жанг қилади ва уни маҳв этади. Митра – ўтда куймас, сувда чўкмас, ўқ ўтмас қаҳрамон.

Каюмарс ҳақидаги миф ҳам «Авесто»га кирган. Мифологияга кўра Каюмарс ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: хўкиз ва одамдан ташкил

топган. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс танасининг хўкиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва хўкиз, улардан эса 272 хил фойдали хайвонлар пайдо бўлади; тананинг одам қисмидан эса эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келган деб тасвирланади.

Йима (Жамшид) ҳақидаги мифда кишилар учун нажоткор ҳукмрон образи тасвирланган.

Шундай қилиб, юқоридаги каби халқ оғзаки ижоди – мифларда халқ нажоткори ва халоскори тасвирланади, кишиларнинг маънавий ғалабаси ва ўз келажагига ишончи тасвирланган.

Халқ оғзаки ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қаҳрамонлар образи ҳам юзага келган. Бу қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар. Чунончи, Гершасп ва Эликбек ҳақидаги афсоналарда аждар ва жинларни енгган, ўлимдан кўркмас, мард, баҳодир, кишиларни ҳалокатдан қутқарувчи қаҳрамонлар образлари тасвирланган.

Қадим Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида қаҳрамонлик эпоси катта ва муҳим ўрин тутди. Уларда халқимизнинг чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик кураши асосий ўринни эгаллаган. Чунончи Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ҳақидаги халқ оғзаки эпосларида ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган.

«Тўмарис» эпосида Ўрта Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига, хусусан эрамиздан аввалги VI асрда бу ўлкага бостириб кирган эрон аҳмонийлари шоҳи Кирга қарши массагет қабилаларининг қаҳрамонона кураши акс этган. Кир қўшини тор-мор этилиб, унинг ўзи э.а. 529 йилда жанг майдонида ўлдирилади, калласи танасидан жудо этилиб, қон билан тўлдирилган мешга солинади.

«Широқ» эпоси ҳам Ўрта Осиё халқларининг чет эл босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашини акс эттиради. Ватанпарварлик ва жасорат,

ватан ва ўз халқи бахти-саодати йўлида фидойилик қилишга шай, тайёр туриш каби юксак маънавийлик сак қабиласининг чўпони Широқ тимсолида гавдаланган.

Юқоридаги ҳар иккала халқ оғзаки ижоди намуналари заминида ҳақиқий тарихий фактлар ётади.

Тўмарис ва Широқ халқ қаҳрамони бўлиб, ўз халқи, Ватани учун жонини ҳам аямайдиган буюк ва бетимсол мардлик ва жасорат намунаси саналади. Уларга ҳам қойил қолиб ҳавас қиламиз.

Қадимий туркий тилда яратилган ёзма ёдгорликлардан бизгача Ўрхун - Енисей ва уйғур тилидаги ёдгорликлар сақланиб қолган. Ўрхун - Енисей ёдгорликлари V-VIII асрларга мансуб бўлиб, улардан Кул-Тагин, Билка-қоон, Тунюкук қабр тошларига ўйиб ёзилган текстлар айниқса аҳамиятлидир. Бу ёзувларни туркий-рун ёзуви ҳам деб юритилади. Рун ёзуви - «яширин», «сирли» ёзув демакдир. Чунки уларни анча вақтгача ўқишнинг иложи бўлмаган.

Кул-Тагин Билка-қоон (улуғ ҳоқон демакдир) нинг укаси бўлиб 732 йили вафот этган. У урушларда зўр қаҳрамонликлар кўрсатган. Кул-Тагин қабр тошида Билка-қооннинг тилидан айтилган жудолик қайғуси марсияси бадий тил воситасида ифодаланган. У ўз укасининг вафотидан жуда қайғуга тушади. Чунончи: Агар Кул-Тагин бўлмаса эди, ҳаммангиз ҳалок бўлур эдинглар. Менинг иним Кул-Тагин ўлди, мен қаттиқ қайғурдим, кўрар кўзларим ожиз бўлди, ақл-фаҳмим ўтмас бўлиб қолди, ўзим қайғурдим. Қисматни кўк само (худо) тақсим қилади, одам боласи ўлиш учун туғилган.... каби сўзлар ёзилган.

Кул-Тагин қабр тоши ёзуви турк хоқонлиги давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қабила ва халқларнинг урф-одатлари, тили ва мафқураси билан таништирувчи манбадир.

Марказий Осиёда маънавият билан бирга маърифат ҳам ривожланган. Маърифат ривожининг исботи сифатида бу ўлка халқларининг ёзувини кўрсатиш мумкин. Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида

оромий, грек ёзувлари, форсий миххат мавжуд бўлган. Кейинроқ авесто, хоразм, суғд, кушон, рун (Ўрхун - Енисей), уйғур ёзуви келиб чиққан.

Қадим Ўрта Осиёда астрономия, геометрия, геодезия, математика, физика, медицина фанлари ривож топган. Бизга қадар сақланиб қолган суғд календари ва Беруний асарларидаги маълумотлар бу ўлкада, айниқса астрономия фани ривожланганидан дарак беради.

Ўрта Осиё халқлари жуда қадим замонлардаёқ суғориш иншоотлари курганлар, каналлар очганлар, чиғир ва кориз усули билан сувсиз ерларга сув чиқарганлар. Албатта булар кишилардан маълум тажриба ва билимни талаб этган.

Шундай қилиб, бизгача етиб келган маълумотларга асосланиб, Марказий Осиё қадимий маданият, маънавият ва маърифат ўчоқларидан бири бўлган деган хулоса чиқара оламиз. Биз ёш авлод бу билан фахрланишимиз лозим.

«Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби. Зардушт эрамиздан аввалги 660 йилда Хоразмда дунёга келган. Отаси саводли бўлиб, кароматгўй бўлган экан. Зардушт 20 ёшидан бошлаб якка худоликни тарғиб қилган. 28 ёшида шуҳрат қозонади, лекин унинг тарғиботлари маҳаллий хукмдорларга ёқмайди. Уни осишга хукм этадилар. Зардушт ўзи билан 300 га яқин сафдошларини олиб ҳозирги Афғонистон томонга йўл олади ва ўз ғояларини тарғиб этади. У 77 йил умр кўрган.

Зардуштийликнинг пайдо бўлиши эрамиздан олдинги X асрга тўғри келади. Унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам бирдан юзага келган эмас. У бир неча асрлар мобайнида яратилган. Зардушт «Авесто»нинг қадимий нусхаларини ўрганиб, тўплаб бир китоб ҳолига келтирган. У 30 та коҳин билан уч йил давомида «Авесто»нинг билимларини йиғиб, бир тизимга солган ва 12 минг хўкиз терисига зарҳал ҳарфлар билан ёздирган.

Авесто қуйидаги беш қисмдан иборат:

1. Вендидод - 22 бобдан иборат бўлиб, унда Ахура Мазда Ердаги барча мавжудотнинг яратувчиси эканлиги баён этилади.

2. Виспарад - 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат қўшиқларидан ташкил топган. Зулмат кучларига қарши кучлар куйланади.

3. Ясна - 72 бобдан иборат бўлиб, қурбонлик вақтида, маросимида айтиладиган қўшиқлардан ташкил топган.

4. Яшт - 22 қўшиқдан иборат бўлиб, зардуштийлик маъбудалари мадҳи куйланган.

5. Хўрда Авесто - Кичик Авесто - қуёш, ой ва бошқа худо ҳамда маъбудалар шарафига айтилган кичик ибодат матнларидан иборат.

Зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳақида қисқа маълумот бердик. Бу китобнинг кўп қисми Искандар Зулқарнайн ва араблар истилоси даврида йўқолиб кетган. Бизгача етиб келган нусхаси 1374 йилда кўчирилган бўлиб, ҳозирда Копенгагендаги кутубхонада сақланиб келинмоқда.

Зардуштнинг ўзи тарихий шахс эканлиги ҳам мунозарали, баҳсли масала. Биз айрим муаллифлар фикрига қўшилиб, унга тарихий шахс сифатида ёндошдик.

Зардушт сариқ туя минган, деган маънони англатади. «Авесто» таълимотига кўра, оламда иккита куч, яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, иссиқлик ва совуқлик каби қарама-қарши кучлар мавжуд бўлиб, улар абадий мурасимсиз курашиб келадилар. Яхшилик ва ёруғлик кучларига Ахура Мазда бошчилик қилади. Бу курашда ёруғликнинг зулмат, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч билдирилади.

Энди зардуштийликда ва унинг муқаддас китоби «Авесто»да маънавият ва маърифат масалалари ва уларнинг бизнинг бугунги кун учун аҳамияти ҳақида фикр юритамиз.

«Авесто»да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатни яхшилик, моддий ноз-неъматлар манбаи деб билади. Инсон саховатли бўлиши учун аввало меҳнат қилиши, ўз кўли билан ноз-неъматлар яратиши зарурлиги уқтирилади. «Авесто»да: «Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, имонни озиқлантириб

туради..», дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг. Экин экиш, меҳнат қилиш – ердаги ёвузликни йўқотишдир, деб қаралади. «Ғалла ердан униб чиққанда, - дейилади «Авесто»да, девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб ун қилинаётганда улар маҳв бўлади...» деб меҳнат улуғланади.

«Авесто»да инсон ахлоқ-одоби, маънавияти қуйидаги учликда: Гумата - яхши фикр, Гугта-яхши сўз, Гваршта-яхши ишда ифодаланади. «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон- шавкат бахш этаман», -деб таъкидлайди Ахура Мазда.

Яхши фикр деганда яқин кишиларга меҳрибонлик, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда ёрдам беришга шайлик, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга доим тайёр туриш, ҳамма билан аҳил ва тотув яшаш ва бошқалар тушунилади.

Яхши сўзлар деганда эса ўз ваъдасига риоя қилиш, сўзининг устидан чиқиш, савдо-сотик ишларида ҳалол бўлишга, қарзини ўз вақтида тўлаш, ўғрилиқ ва талончилик қилмаслик, бузуқликдан ўзини тийиш ва ҳақозолар тушунилган.

Яхши ишлар деганда инсоннинг ўз хатти-ҳаракатида яхши фикр ва яхши сўзларда илгари сурилган барча ижобий йўл-йўриқларга оғишмай амал қилиш назарда тутилади.

Зардуштийлик ахлоқ-одоби ҳайвонларга нисбатан ҳам бешафқат бўлишни қатъиян ман этади. Ҳайвонларни калтаклаш ва қийнаш - гуноҳ деб ҳисобланади. Кишиларни фойдали ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилишга, уларга ўз вақтида овқат бериб туришга, йиртқич ҳайвонлардан қўриқлашга даъват этади. «Авесто»да тозалиқ, покликка алоҳида эътибор қаратилган. Ҳовуздан ювилмаган, ифлос кўзада сув олган киши беш дарра билан жазоланган. Инсон яшайдиган хонада ювиниш, покланиш қатъиян қораланган.

«Авесто»да наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, қаттиқ назорат қилинган, қариндош-уруғ, ака-уканинг куда-анда бўлиши қораланган.

Ҳозирги медицина фани ака-ука, яқин қариндошлар ўртасидаги қудачилик муносабатлари келажак авлоднинг соғлом, тўла-тўқис бўлиб туғилишига салбий таъсир кўрсатишини тўлиқ аниқлаган. Буни эса бизнинг аجدодларимиз аллақачон аниқлаганлари ҳозирги замон кишисини лол қолдиради. Қолаверса, яқин кишиларнинг никоҳ масалаларида маънавий жиҳатлар ҳам борки, бунга инсон қалби йўл бермаслиги керак.

Кўринадикки, Ўрта Осиёда кенг тарқалган қадимий Зардуштийликда оила ва никоҳ масалалари, инсон муаммосига муҳим аҳамият берилган.

Инсоннинг жисмоний ва маънавий поклиги зардуштийлик ахлоқи-нинг энг қадимий талабларидандир. Оила ва никоҳ яратгувчининг талабига мос келганлиги боис уни бузиш тақиқланган. Агарда оилада эр ёки хотин ахлоқсизлик, яъни бузуқчилик гуноҳи содир этса, ундай кишилар таёқ билан жазоланган. Шу орқали оила мустаҳкамлиги учун курашганлар.

Зардуштийлик таълимотидан кўриниб турибдики, Шарқда қадимдан оила муқаддас ҳисобланган. Уни мустаҳкамлаб, дарз кетишига йўл қўймаганлар. Зардуштийликда қабристонлар аҳоли турар жойидан четда, тепалик жойда бўлиши кераклиги, у ерга мевали дарахт ўтқозиш, ўстириш мумкин эмаслиги, арча, қайрағоч каби мевасиз дарахт ўстириш кераклиги таъкидланади. «Авесто»да аҳолининг кўпайишига ҳам аҳамият берилган. Қасддан эрга чиқмайдиган қиз қопга солиниб, 50 дарра урилган. Қасддан уйланмаган йигитга ҳам 50 дарра урилган ва белига темир камар боғлаб юриш буюрилган.

«Авесто»да қадимги табибларнинг қасамёди ва табобат рамзи Илон ва жом берилган. Демак, табиб қасамёди ва рамзи Гиппократдан эмас, балки биздан бошланган. Бу ҳам бизнинг маънавиятимиз қадимийлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. Китобда маърифатга, илм ва ҳунарни бошқаларга ўргатиш кераклиги ҳам уқтирилган.

Хулоса шуки, «Авесто» китобида аجدодларимизнинг неча минг йиллик маънавий мероси излари ўз аксини топган. Унда жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби ёмон хислатлар қораланади. Соф қўнгилли бўлиш, хиёнат қилмаслик, савдода бир-бирини алдамаслик, ҳақорат қилмаслик каби маънавий хислатлар тарғиб этилади.

3§. Миллат маънавиятини ривожлантиришда халқ оғзаки

ижодиётининг тутган ўрни

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида¹² биринчи навбатда минтақа халқларининг энг қадимги ёзма мероси “Авесто” тилга олинади. Ушбу бебаҳо маънавий обидада “борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг руҳий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилганлиги” таъкид этилади. Айниқса, ундаги улуғ ахлоқий тамойил “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” бирлиги бугунги кунимизда ҳам маънавий аҳамиятини тўлиқ сақлаб келаётганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Халқ оғзаки ижоди ва унинг ноёб дурдоналари ҳам миллат маънавиятини ўзида ёрқин акс эттирувчи ноёб бойлик эканлигини Президент китобида «Алпомиш» достони мисолида ҳаяжонли сатрларда очиб берилган. Бу дostonнинг “*кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг халқона бадиий ифодаси*” эканлиги ҳақидаги мулоҳазалар халқ ардоқлаган баҳодир алшлар тимсоли нақадар улуғвор рамзларни ўзида яширганига бизнинг диққатимизни тортади. Муаллиф мустақиллик туфайли бор ҳашамати билан қайта тикланган Наврўз байрамининг чуқур фалсафий мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бу қадим байрамимиз “биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устивор кудрати ва чексиз саҳоватининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси” бўлиб келаётганлиги таъкидланади. Шу ўринда “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобининг бир ноёб хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатишни хоҳлар эдик. Муаллиф назарий теранликни ёрқин мисоллар, эҳтиросли ифодалар билан ажойиб уйғунлигига эриша билган ва бу билан бизга ўхшаган кўпгина дарслик ва қўлланмалар ёзишга бел боғлаганларга ибратли намуна кўрсатган. У қадим битиклар, халқ оғзаки ижоди, маросим ва урф-одатларимизни маънавиятни шакллантирувчи муҳим мезонлардан эканлигини оддий санаб ўтиш билан чекланмайди, балки уларнинг ҳар

¹²Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008.

бирига бир ёркин мисол келтириб, ушбу таснифдаги ҳар бир асарда алоҳида бир маънавий олам мавжудлигини кўз олдимизда яққол гавдалантириб беради.

Маълумки, юртимиздаги бизга маълум илк шаклланган яхлит маънавият тизими “Авесто” китобида ўз аксини топган. Бу китоб мустақиллик шарофати билан ҳозирги ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиниб нашр этилди. Бир пайтлар бу китоб муқаддас “маздаясна” динига асос бўлган бўлса, бугун биз унга йирик адабий ёдгорлик сифатида қараймиз. “Авесто” матнлари шаклланган, йиғилган ва қайта йиғилган даврлар асотири тафаккур даври бўлгани сабабли бу китобда баён этилган маънавий қадриятлар тизими кейинчалик бошқа юртларга тарқалиб, турли сиёсий, ғоявий таъсирлар остида кўп жойларида мушриклик ақидалари билан чалкашиб кетди. Масалан, Зардушт гоҳларида тилга олинган 7 **амшосипандлар** моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, қадим авесто тилида **Спинта Майню** (Сипанд Мийну) - “тафаккур олами”, **Ашах Ваҳишта** (Ардабехешт) – “гўзал ҳақиқат”, “мукамал низом”, **Вухувмана** (Баҳман)– “эзгу ният”, **Спинта Ормаитий** (Испандормаз) - “комил ақл”, **Зашра Вайраях** (Шаҳриёр)– “умид дунёси”, **Амирмитота** (Амурдод) – “умрбоқийлик”, “абадият”, **Хавраватот** (Хўрдод) – “комиллик”, “тўғрилиқ” маъноларини англантиб келган. Кейинчалик қоҳинлар талқинида буларнинг ҳарбири илоҳий хилқат сифатида тасаввур қилиниб, уларга сиғиниш қоидага айланган, яъни Зардушт даъватидаги ягона Парвардигор - Ахура Мазда(илоҳий билим эгаси, маъносида)га эътиқод қилиш ўрнига юқоридаги каби маънавий қадриятларни илоҳлар, яъни сиғиниш объектларига айлантириш ҳолати юз берган.

Ислом дини бу соҳада масалани ойдинлаштирди. Қуръони каримнинг нозил бўлиши билан умумбашарий миқёсда узил-кесил асотири тафаккурдан илмий тафаккурга ўтишнинг эътиқодий асослари мукамал тус олди. Кейинроқ бориб маънавиятга оид фанларнинг умумметодологик асоси - **нақлий ва ақлий билимлар уйғунлиги** мустаҳкам пойдеворга эга бўлди.

Президент асари диққат билан ўқилганда айна шу жиҳатлар ҳам эътибордан четда қолмагани маълум бўлади.

Президент И.А.Каримов ўз асарида *“маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир мезон”* - **ислом дини** ҳақида махсус тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. Чунки *“кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маънавиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади”*.¹³ Китобда яна шундай дейилади: *“... халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қийслаб бўлмайди”*.¹⁴

Маълумки, шўролар даврида “дин халқ учун афюнدير” деган ҳақоратли тамға остида халқимизнинг имон-эътиқоди, минг йиллик эзгу қадриятлари топтаб келинди, имон илмга зид қўйилди. Афсуски, бундай қарашлар бугунги кунда ҳам баъзи ўзини “зиёли” ҳисобловчилар, ҳатто маънавият соҳасига алоқадор кишилар онгини тўлиқ тарк этгани йўқ. Улар бугун ҳам Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Исо Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замаҳшарий каби бутун жаҳон тан олган зотларнинг эътиқоди, демакки, ислом маърифатига қўшган беқиёс ҳиссаларига беписанд назар билан қарашга, яъни шундай улуғ зотлардан кўра ўзларини “билимдонроқ”, “онглироқ” ҳисоблашга уялмайдилар. Ҳануз диний билимларни дунёвий билимларга зид қўйишга мойиллик билдирадилар. Президентнинг қуйидаги эътирофлари айна шундай тамойилларга муносиб

¹³ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”,2008, 36-бет.

¹⁴ Шу китоб, 36-37-бетлар.

жавоб сифатида жаранглайди: *“Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешиklarидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди.”*

Китобда, шунингдек, ислом маърифатининг узвий қисми бўлмиш тасаввуф ирфонининг буюк намояндалари Абдухолик Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг муборак сиймоларига чуқур эҳтиром изҳор қилиниб, уларнинг миллатимиз маънавиятини шакллантиришдаги умрбоқий ҳиссалари тилга олинади. Агар биз бу эътирофларни И.Каримовнинг яна Аҳмад Яссавий, “шайхи валитарош” деб ном таратган Нажмиддин Кубро каби буюк маънавият пирлари ҳақида турли сабаблар билан билдирган мулоҳазалари билан қиёслайдиган бўлсак, умуман Президентимизнинг тасаввуф таълимотига нисбатан бўлган улкан эътиборлари аниқ-равшан бўлади. Бу беҳуда эмас. Аслида нафақат миллий маънавиятимиз такомилида, балки умумбашарий миқёсда маънавий кадриятлар устиворлигини таъминлашда тасаввуф ирфонининг тарихий хизмати аллақачон ўз исботини топган. Буюк муршидлар ишлаб чиққан ирфоний такомилнинг 4 босқичи (**шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат**) ҳақидаги тасаввурлар тизими, дарҳақиқат, шахс маънавиятини шакллантириш борасида катта силжишларга олиб келди. Агар Форобий, Бируний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб сингари ислом маърифатчилиги намояндаларининг ёш авлод тарбиясига оид қарашларида ақлга, билимга таяниш устунлик қилган бўлса, тасаввуф таълимоти кўнгилни поклаш, илм ва амал уйғунлиги, умумбашарий меҳр, ҳар ишда ният холислиги масалаларига эътибор қаратдилар. Ғаззолийдан бошлаб “инсон вужудида кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир” деган қараш етакчи

ўринга ўта бошлади ва Алишер Навоий ижодида бу тамойил ўзининг мукамал ифодасини топди.

Шунингдек, Президент асарида ислом маърифати ва диний ақидапарастлик жаҳолати буткул икки қарама-қарши кутб эканлигининг жуда ишонарли исботлари келтирилган. Дарҳақиқат, улуғ аجدодларимиз доимо тақлидий имонга, ақидапарастлик жаҳолатига аёвсиз танқидий муносабат билдириб келганлар. Юртимизда 70-80 йиллардан бошлаб коммунистик ақидапарастликдан “нусха кўчириш” асосида юзага келган баъзи оқимларнинг келиб чиқиш маконлари суриштириб борганда хорижий таъсирларга бориб тақалиши бежиз эмас, бу юртда уларнинг “илдизлари” мутлақо топилмайди.

Шундай қилиб, Президент И.А.Каримов миллий маънавиятимизни шакллантирувчи асосий мезонлар ҳақида гапирар экан, олдинги асарларида ҳам қатъий турган принципни ривожлантириб, улуғ аجدодларимиз меросида акс этган диний ва дунёвий билимлар мажмуига тенг кўз билан қараш, уларни уйғунликда олиб ўзлаштириш лозимлигини, фақат шундагина маънавий мукамалликка эришиш мумкинлигини қайта-қайта таъкидлайди. Чунки бундан бошқача ёндошув албатта бирёқламаликка, демакки, маънавий нотўқисликка сабаб бўлиши аниқ. Китобда халқимизнинг ўтмишда ислом илмлари ривожига қўшган улкан ҳиссаларини жаҳон тан олган улуғ алломалари **Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғинович, буюк тасаввуф пирлари Абдуҳолик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд** каби табаррук сиймоларнинг миллатимиз маънавий тақомилига қўшган хизматлари билан бир қаторда, математика ва астрономия сингари аниқ фанлар; медицина, фармакогнозия, минералогия каби табиий фанлар; логика, филология ва жамиятшунослик фанлари соҳаларида жаҳон илми ривожига баракали таъсир кўрсатган қомусий алломалар **Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек** каби мўътабар зотларнинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталиб, уларнинг нафақат

миллий маънавиятимиз, балки башарият маънавий такомилга кўрсатган таъсирларини бирма-бир қайд этиб ўтилиши бу соҳа олимлари учун муҳим назарий-методологик намуна сифатида қабул қилишга арзийди.

Президент И.А.Каримов бу буюк сиймолар шахсиятига нега бунчалик аҳамият қаратаётганлигини шундай изоҳлайди: *“Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз бундай улуг зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайман”¹⁵.*

Китобда *“тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган”* Соҳибқирон Амир Темурнинг мумтоз сиймоси, унинг набираси олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг илмий жасорати чуқур эҳтиром билан ёдга олинади. Китоб муаллифи ўз ҳиссиётларини шундай баён қилади: *“Шахсан мен “Темир тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан...”*

Маълумки, ўз вақтида 1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинган ва ўша йил тўкин кузнинг биринчи ойида ўзбек миллий маънавиятининг қуёшига бағишланадиган асосий тантана ва тадбирларни ўтказиш белгиланган эди. Оллоҳнинг иноятини қаранг-ки, худди ушбу тантаналар бошланиши олдидан мамлакатимиз сиёсий мустақилликни қўлга киритди ва сентябрнинг биринчи куни Мустақиллик байрамига айланди. Президентимиз *“миллат байрами”* деб атаган Мир Алишер Навоийнинг қутлуғ тўйи, шундай қилиб, *“Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида файз,*

¹⁵ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”,2008, 44-бет.

тароват бахи этди”, “юртимиз, элимиз тарихида қутлуг келди, унутилмас сана бўлиб қолди”¹⁶.

Президентимизнинг Алишер Навоий сиймоси ва бадий-маънавий меросига чексиз эҳтироми ушбу янги китобда янада ёрқин акс этган: *“Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига зоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан яна бири – бу Алишер Навоий бобомиздир... Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир... Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”¹⁷.* Муаллиф буюк аждодимизнинг бебаҳо меросидан “халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз” деб қатъий ишонч билдиради.

Алишер Навоий ижоди туркий тилда бадий тафаккур қудратини мислсиз юксакликда намоён этувчи жозибали бир тимсол. Шунга боғлиқ равишда масаланинг яна бир жиҳатига қисқача изоҳ бериб кетиш зарур. Собиқ тоталитар мафкура таъсирида яқин-яқинларгача биздаги ижтимоий фанлар соҳасида адабиётшуносликка, умуман филологияга маълум даражада менсимай қараш мавжуд эди. Бунга, албатта, яқин ўтмишдаги адабиётшунослигимизнинг қусурлари ҳам анча-мунча сабаб бўлган. Чунки марксизм мафқураси ҳукмрон бўлган замонда адабиётшуносларимизнинг аксарияти миллий маънавиятимизга буткул ёт бўлган ва ҳатто дунё цивилизацияси ҳам моҳиятан инкор этган «социалистик реализм» деб номланувчи сохта «назария» домига тушиб, XX асрда яратилган барча

¹⁶ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”,2008, 100-бет.

¹⁷ Шу китоб, 47-бет.

адабий меросни ушбу қолипга мослаштириш йўлидан бордилар. Бу ҳақда жилд-жилд «илмий тадқиқотлар» яратилди, одамлар доктор, профессор, хатто академикликгача даража ва унвонларга сазовор бўлишди. Мумтоз адабиётимиз бўйича ўтказилган тадқиқотларда бу иллат бевосита ва очик намоён бўлмаса-да, марксистик мафкура таъсирига берилиш бу соҳада ҳам сезиларли эди.

Аслида агар масалага холис ёндошилса, илмий адабиётларга нисбатан бадиий адабиётда Борлик ҳақиқатини уйғун ҳис этиш тамойили устун туради. Айниқса, бу ҳолат Навоий шеърини даражасидаги фалсафий теранликда ҳам бикр бўлган бадиият намуналарида яққол ўзини намоён этади. Шу сабабли ҳам Алишер Навоий бадиий олами миллатимиз маънавияти учун доимо ҳал қилувчи мезон, ўша давр тили билан айтсак, маҳак тоши¹⁸, вазифасини бажариб келган ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Президент ўз асарида XX аср бошларида эл-юрт манфаати учун жонларини тиккан маърифатпарварларимиз Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдуррауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб фидоий инсонларнинг маънавий жасоратини, улардан кейин халқ орасида ном қозонган Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сироҷиддинов, Обид Содиков, Яхё Гуломов, Озод Шарафиддинов каби илм-фан арбоблари, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад сингари шоир ва адиблар, Лутфихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа атоқли санъаткорларнинг хизматларини миннатдорлик билан эслаб ўтади. Шу билан бирга Янги Давр, яъни XVII – XX асрларда она заминимиз – Туркистонда юз берган сиёсий парокандалик, ҳукмрон кучларнинг узоқни кўролмаслиги ва маънавий заифлиги, буларнинг оқибатида халқ бошига тушган балою кулфатларни ҳам таассуф билан қайд этишни унутмайди.

¹⁸ Қимматбаҳо металлларнинг саралигини аниқловчи минерал жисм «маҳак тоши» деб аталади.

Шундай қилиб, ёш авлод маънавиятини шакллантирадиган асосий мезонлар, ёки маънавий ҳаёт мезонлари деганда нимани тушуниш кераклиги ҳақида Президентимизнинг янги китобида аниқ кўрсатмалар берилган. **“Мезон” тарозу** дегани, яъни аниқ ўлчов, меёр, Европа терминологиясида “критерий”. Демак, биз ёшларнинг маънавий тарбиясида нималарга таянишимиз керак, ёшларга кимларни ибрат қилиб кўрсатишимиз дуруст бўлади, қайси ўлчов, қандай меёрларни асос қилиб олишимиз лозим – булар ҳаммаси китобда аниқ кўрсатиб, номма-ном санаб берилган. Булар – улуғ аждодларимиз яратган улкан ва қутлуғ маънавий (илмий, бадий, фалсафий) мерос, уларнинг ибратли ҳаётлари, муқаддас динимиз, қадриятларимизда ифодаланган **буюк ва боқий ҳақиқатлар, юксак туйғулар**.

Президент И.Каримов ўз китобида бу ҳақиқатларни, бу туйғуларни ёш авлод онгига сингдиришнинг **уч табарруқ маконига** алоҳида эътибор қаратади: уларнинг биринчиси –**оила**, иккинчиси – **маҳалла**, учинчиси – **таълим-тарбия тизими**. Агар шу уч маконда маънавий муҳит кўнгилдагидек бўлса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўлади, агар улар таназзулга қараб кетса, бутун жамият ҳалокатга юз тутди. Афсуски, муайян сабабларга кўра бугунги кунда ҳар уч маконда ҳам муаммолар анча-мунча йиғилиб қолган. Китобда оила маънавий муҳитига алоҳида эътибор ажратилган. Баъзи ота-оналарнинг ўсиб келаётган ёш фарзандларининг қизиқиш ва интилишларига, уларнинг “онгу тафаккурида ҳар куни бир ўзгариш юз бериб, кўзида янги-янги саволлар пайдо бўлаётганига” жиддий аҳамият бермаслиги, боз устига баъзи ота-оналар бола олдида ўзини тутишни билмай, ахлоқ-одоб бобида фарзандларига ўртак бўлиш ўрнига аҳли оиласига кўпол муомала билан фарзандлари руҳига салбий таъсир кўрсатиши, ҳатто баъзи оилаларда боланинг маънавий оламида оғир асоратлар қолдириши мумкин бўлган ўзгалар бахтини кўролмаслик, фиску фасод, иғво муҳити ҳам мавжудлиги таассуф билан қайд этилади ва шундай хулоса қилинади: **“Биз ўз фарзандларимизнинг бахту саодатини, иқбол ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-қуйдаги одамларнинг**

хатти-ҳаракати ҳам боланинг шаклланиб келаётган соф қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур.”

Муаллиф ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимни яхшилаш ҳақида бош қотирар экан, яна бадий сўз қудратига мурожаат қилишни маслаҳат беради. Мумтоз адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”ида тасвирланган ўзбек оилаларига хос одоб ва ахлоқ намуналарини ибрат қилиб кўрсатади. Ўзбек халқининг азалий болажонлиги, оилапарварлигини ифтихор билан таъкидлар экан, муаллиф бундай эзгу туйғулар фарзандларни “ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш” йўлида сарфланиши лозимлигини алоҳида уқдиради.

Маҳалла – инсонни жамият билан уйғунлаштирадиган ҳамда шу руҳда тарбияладиган энг катта саҳоватли гўша ва беқиёс Ватан. Муаллиф халқимизнинг “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли иборасини келтириб, бу сўзларни миллатимиз учун “ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси” деб таърифлайди ва маҳалла - тарбия мактаби сифатидаги вазифасига алоҳида урғу беради.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида мустақиллик даврида оила маънавий муҳитини яхшилаш, азалий қадриятимиз бўлган маҳалланинг ижтимоий мақомини кўтариш, таълим-тарбия соҳасида ўтказилаётган туб ислоҳотлар ҳақида эслаб ўтиш билан бир қаторда бу соҳаларнинг бугунги долзарб муамолари ҳақида батафсил мулоҳазалар билдирилади. “Шуни унутмаслик керакки, -деб ёзади Президент, - келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади.” Шундай экан, “бу соҳада юзаки, расмий ёндошувларга, пухта ўйланмаган ишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.”

Таълим-тарбия инсон камолоти ва миллат равнақининг асосий шarti ва гарови, давлат ва жамият назоратидаги умуммиллий масаладир. Таълим ва тарбия бир-биридан ажратиб бўлмайдиган уйғунликда олиб борилиши лозим. Таълим–тарбиянинг асосий мақсади ва вазифаси комил инсон тарбиясидир. Аммо яқин ўтмишда бизда болага табиий ва аниқ фанлар бўйича билим

бериш асосий мақсадга айланиб, боланинг маънавий тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилган, кўпинча фақат сиёсий-ташкилий тадбирбозликка айланиб кетган эди. Давлатимиз ва ҳукуватимизнинг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Мақтаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури” ва бошқа таълим жараёни мазмунини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилувчи ислохотлари туфайли бу соҳага янгича эътибор қаратилди. Аммо хануз бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар бирталай эканлиги китобда батафсил баён этилган.

Ҳали бу йўлда қиладиган ишлар кўп, аммо хозирданок бу саъй-ҳаракатларнинг самаралари борган сари ёркинрок кўзга ташланиб бораётганини ҳам мамнуният билан эътироф этиш мумкин.

II-БОБ. Миллат маънавиятини ривожлантиришда миллий байрамларнинг тутган ўрни

1§. Миллий байрамлар ва уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни.

Маълумки, анъаналар халқнинг тарихий шаклланиши ва ривожланиши жараёнида яратилган ва аجدодлардан авлодларга муқаддас мерос сифатида ўтиб келаётган бебаҳо маънавий бойлик ҳисобланади. Миллатнинг асосий белгиларидан бирига айланган одатларни асраш ва камол топтириш ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчи бўлиб қоляпти. Анъаналар барҳаёт бўлиши учун, энг аввало, уни келажагимиз бунёдкорлари - ёшлар эгаллаши лозим.

Анаъанавий халқ байрамларининг тикланиши ўзбек маданияти тарихида ўта муҳим воқеа бўлиб қолмоқда. Чунки байрамлар ҳаётнинг энг яхши томонларини ўзида мужассамлаштирган маданиятнинг йирик ва муҳим шакли ҳисобланади. Шу йўл билан азалий байрамларнинг тикланиши билан халқ маданиятининг энг қимматли томонларини жонлантиришга замин яратилди.

Халқ анъаналарининг тикланиши борасида сўз борганда, ёшлар камолотида муҳим ўрин тутадиган халқ ўйинларига алоҳида тўхталиш лозим. Аждодларимизнинг энг қадимий анъанавий, кўпгина маданият шакллари - рақс, театр ва спортга хос маросимлар шу ўйинлар заминидан келиб чиққан ва тарихий жараёнда авлод - аждодларимизнинг соғломлаштирувчи воситаси бўлиб келган.

Равшанки, кўнгилда ватанга муҳаббат ёлқинлашиб турмаса, унга ошуфталик қалбни қайнатмаса, вужудингда Ватанга фарзандлик бурчи масъуллик торларини ҳаракатга келтирмаса, ҳарчанд “Ватаним - саждагоҳим, иқбол масканим” дейилгани билан биздаги меҳру садоқат қандайдир мавҳумийликка мойил ҳисга ўхшаб кетади.

“Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту-саодати уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда... Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли

фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”¹⁹ деб ёзади Ислом Каримов.

Шу жарёнда ҳар бир шахсда миллий маънавиятни, миллий онг, миллий шуур, миллий туйғуни баркамолликка кўтариш омиллари фаоллик жараёнига кўчади. Бу улуғвор мақсадларни амалга ошириш учун жамиятимиз ўзининг реал имкониятларига эга. Аввало, озод ва мустақил Ватанда халқни фаровонликка етакловчи ва маълум маънода муносиб турмушни кафолатловчи шарт-шароитлар яратилди. Давлатимизда фидойи, ишчан, ташкилотчилик салоҳияти баланд малакали кучлар улғайди. Улар сиймоси, фаолиятида миллий маънавиятнинг барқарор мағзи, яратувчан кучи мавжуд. Миллий маънавияти барқарор шаклланган бундай кишилар ўз халқи, миллати, ватани манфаатини ҳар қандай шароитда ҳимоя қилади, ўз фаолиятида халқимизнинг миллий маънавиятини намойиш эта оладиган, миллатнинг салоҳиятини, Ватан қадрлари, шаъни, шуҳратини эллараро, давлатлараро кўрсата билладиган инсонлардир

Таъбир жоиз бўлса, бундай кишиларда миллат тафаккурининг қаймоғи жамланган ва фаолиятида ривож топган бўлади. Шунинг учун ҳам ақлий, шуурий заковати етук, миллий маънавияти камол топган, Ватан ва миллат туйғуси қалбида жўш урган бундай шахслар бошқа маданиятларга рўбарў келганда ўзлигини йўқотмайди, ўзга маданиятлар яхши тарбия кўрган баркамол шахс ўз маънавияти, миллий маданиятининг юксаклигини кўрсата билиш уддасидан чиқа олади. Агар томирида шу номдор халқнинг қони жўш уриб турган, кўзларга тўтиё Ватан меҳридан баҳраманд бўлса, билинги бу вужудда элу юртга ошуфталик, соғинч муҳаббати, ифтихори бўлади.

Ўзлигини билган инсон ўзини халқидан айри кўра билмаганидек, юрт ишқига ҳам бегона эмас. Қадр ҳам, меҳр-муҳаббат ҳам, толиқмас фидойилик ҳам ёлғиздан қочади. Ёлғизликкини тирикликнинг, севиш-севилишнинг, иззат-эътибор, ғурур ва ифтихорнинг улуғвор кучини ҳис этиш зоковатидан бенасиб. У ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қадрлай олмайди. “Дунёни сув босса,

¹⁹ Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”, Т.: “Маънавият”, 2008, 56-бет

тўпига чикмайди”, деган гап ёлғизлик касрига кирган сийратларга аталган бўлса не ажаб. “Ёлғиз” инсон шахси, тақдири, юриш-туришида қандайдир кемтикликни фаҳмлаймиз. Бордию, жамиятда кўнгли тор, имони дарз кетган, турфа риёкорликлар занжирга боғланган, фикри қашшоқ, шайтоний руҳиятда тебранган ва хуллас, маънавий хасталikka мубтало бўлган шахслар мавжуд экан, соғлом маънавият, соғлом тафаккур, соғлом жамият учун кураш ҳаётий заруриятга айланиши ҳам табиийдир. Жамият авомлик балосидан фориғ бўлганда, қудратли ва истикболи ёркин бўлади. Бу юртнинг соғломлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис “Соғлом авлод учун” кураш ғоясини моҳиятан мамлакатнинг, жамиятнинг соғломлиги учун зарурий шарт сифатида англаймиз ва бунга бурчлимиз. Бусиз амалий ишларга, замона эҳтиёжига мувофиқлашиш мушкул эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Агар биз ҳар бир инсонда ўзи мансуб халқнинг жажжи қиёфаси мавжудлигини фаҳмлай билсак, халқимиз ўтмишда қалбию тафаккури тоза, имонию диёнати бутун, бағри меҳр-оқибатга тўлиқ, жувонмардликда доврўф таратган халқ бўлганлигини, минг йиллар оша ўз тартиб қоидалари, эзгулик ва улуғворлик салоҳияти билан Мағрибу Машриқнинг этиборини қозонганлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Узоқ ўтмишдаёқ халқимиз ҳайратли эзгу фазилатлари билан бошқа халқларнинг ҳавасини келтирган, ибрат олишга арзигулик сифатлари кўп бўлган. Шу боис араб сайёҳи ибн Батута (13-аср) “Сафарнома” китобида: “Мен дунёни кезиб, бундай одамлардан кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Уларга тобе жойларда адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, хоналарида олтин ва кумуш тангалар ерда сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди”, деб хотира битди. Қаранки, бу гапларга ҳам VII аср бўлибди.

Миллий анъаналар - миллий қадриятларнинг бир бўлаги бўлиб, у миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар,

хусусиятлар, фаолият турлари, одатлар ва ислохотларнинг авлоддан - авлодга ўтиш ҳамда мерос бўлиб қолиш тарзи.

Мустақиллик йилларида анъаналарга айланиб бораётган байрамлар ҳам мавжуд:

1 январь - Янги йил.

8 март - Халқаро хотин - қизлар куни.

21 март - Наврўз байрами.

9 май - Хотира ва кадрлаш куни.

31 август - Қатағон қурбонлари шаҳидлари куни.

1 сентябрь - Мустақиллик куни.

1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни.

8 декабрь - Конституция куни.

«Рамазон ҳайит»и (ИЙД ал-фитр).

«Қурбон ҳайит»и (ИЙД ал - АДҲА).

Ўрта Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ миллий байрамлар ҳам бор: Мустақиллик байрами, Наврўз, Меҳржон, Бойчечак, Гул сайли ва бошқаларни нишонлаш анъанага айланиб бормоқда.

Ҳар бир халқнинг ўзига яраша урф-одатлари, маросимлари бўлади. Агар биз дунё халқларининг ҳаётига назар ташласак бир-бирига ўхшамаган, турли-туман маросимларни кўрамиз.

Маросимлар жамият, халқ ва шахс ҳаёт фаолиятидаги муҳим ўзгаришлар, ижтимоий аҳамиятга молик воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, улар ибрат орқали тарбиялаш, руҳий-эстетик таъсир кўрсатиш вазифасини (функциясини) бажаради. Маросимларда миллий, диний урфолатлар ва расмрусумлар ҳам ўз ифодасини топади.

Ўзбек халқининг пайдо бўлиши тарихи қанчалик узоққа бориб тақалса, унинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик теран тарихий илдизга эга. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжлари заминида пайдо бўлиб, шаклланиб, сайқалланиб ўз мазмунида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларини мужассам этади. Шунинг учун

хам ҳар бир халқ, миллат, элат уларни кўз қорачиғидай авайлаб-асраши, тараккий эттириши, келгуси авлодларга маънавий кадрият сифатида етказмоғи лозим. Дарҳақиқат, анъаналар, урф-одатлар, маросим ва байрамлар халқнинг, миллатнинг маънавияти, кадриятларининг ажралмас қисмидир.

Чунки асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо ва ноёб мерос сифатида сайқалланиб, тўлдирилиб, халқчиллашиб, замонавийлашиб келаётган урф-одатлар ва маросимлар миллий истиқлол ғояси ва миллий истиқлол мафкурасини халқимиз қалби ва онгига сингдиришда муҳим воситадир. Бугунги кунда энг сара урф-одат ва анъаналаримизнинг жамиятни бирлаштирувчи, халқимизни жипслаштирувчи, одамлар ўртасида меҳроқибатни кучайтирувчи, уларни сафарбар этувчи хусусиятларидан янада самаралироқ фойдаланиш лозим. «Миллий анъаналарни ўрганиш,— деб ёзилади «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китобида, тарғиб этиш билан бир қаторда тўй-маъракаларни, одат ва удумларини ихчамлаштириш, бу борадаги исрофгарчилик ва дабдабабозликка йўл кўймасликка алоҳида эътибор қаратиш даркор».

Профессор И.Жабборовнинг ёзишича: «Байрамлар ва маросимлар ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи ва кишилар ўзаро муносабатларининг турли жиҳатлари ва шаклларида намоён бўлувчи муайян урф-одатлар ва анъаналар, ахлокий тамойиллар ва ҳуқуқий тартиботларнинг тарихан шаклланган йиғиндисидир». Уларнинг муҳим белгилари ва хусусиятлари барқарорлиги, оммавийлиги, ривожланишидаги такрорийлиги, давомийлиги ва узлуксизлигидадир.

Одат тусига кирган маросимлар кишилар хулқ-атворини бошқарар экан, нафақат жамоатчилик фикрлари нуфузига, балки қабул қилинган ва қарор топган қонун-қоидалар кучига ҳам суянади.

Умумхалқ байрамлари – маросимлар гултожи

Ҳар бир халқнинг ўз умумхалқ байрамлари бор. Чунки умумхалқ байрамлари маросимлар ичида энг гўзали, чиройлиси ёки гултожидир. Ўзбек

халқининг шундай гўзал шодиёна кунларидан бири Мустақиллик байрамидир.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Олий Кенгашининг XII чақирик навбатдан ташқари олтинчи сессияси «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда: «1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб белгилансин ва 1991 йилдан бошлаб бу кун байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинсин»,— деб қатъий белгилаб қўйилди. Муқаддас орзу ушалди. Шундай қилиб халқимизнинг асрий орзуси амалга ошди ва ўзининг Мустақиллик байрамига эришди. Ҳар йили ушбу байрамда катта тантанали йиғилиш, Мустақиллик майдонида махсус концерт дастури бўлиб ўтади. Республикаимизнинг барча вилоятлари, шаҳарлари ва қишлоқларида шод-хуррамлик билан Мустақиллик куни байрам қилинади. Маҳалла ва гузарларда халққа ош тарқатилади, халқ ўйинлари, бадиий жамоаларнинг катта байрам концертлари намойиш этилади.

Мамлакатимиз Президентининг Фармони эълон қилиниб, меҳнатда ўрнатилган, мустақилликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган кишилар Давлат мукофотлари билан тақдирланадилар. Республикаимизда каттакатта ишлаб чиқариш корхоналари, йирик қурилишлар, маданий-маиший объектлар байрам арафасида ишга туширилади ёки фойдаланишга топширилади.

Мустақиллик байрамида истиқлолга эришган халқимизни руҳи, унинг бой ўтмиши ва сермазмун бугуни ҳамда буюк келажаги акс этади.

Марказий Осиёда «Наврўз» байрами ва маросимлари жуда узок даврлардан бери нишонланиб келинади. Лекин худосизликка асосланган собиқ Иттифоқ даврида бу байрамга диний тус берилиб, нишонланмай қўйилган эди. «Наврўз» расмий байрамлар қаторига киритилмаган ва норасмий таъқиқланган.

Лекин 60-йилларнинг ўрталарида халқ бу байрамга эътибор бера бошлади, матбуот, радио-телевидениеда баъзан ёритила бошлади. 80-

йилларнииг ўрталарида «Наврўз»ни Ўзбекистонда халқ байрами сифатида нишонлаш масаласида янги тўсиқлар пайдо бўлди. 1985-1987 йилларда оммавий ахборот воситалари бу байрамни четлаб ўтишди. Бу борада катта торттишув юзага келди. Республиканинг таниқли ёзувчилари, олимлари ва маданият ходимлари томонидан «Наврўз» қадимдан давом этиб келаётган ҳақиқий халқ байрами эканлиги, унинг моҳияти дин билан эмас, табиат қонунлари билан боғлиқлиги ва уни энг яхши анъаналар асосида давом эттириш лозимлиги ҳақида жиддий сўзлар айтилди.

Бунинг натижасида «Наврўз» ҳақиқий халқ байрами сифатида кенг нишонланадиган бўлди. 1990 йилдан бошлаб 21 март, яъни «Наврўз» байрами нишонланадиган кун, мамлакатимизда дам олиш куни деб эълон қилинди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг «Наврўз» республикамизнинг асосий расмий байрамларидан бирига айланди.

«Наврўз» байрами ўзига хос катта тарихга эга. Бу байрам асли қадимий деҳқончилик календари билан боғлиқ бўлиб, Ернинг шимолий ярим шарида баҳорги кеча билан кундуз тенг келган кунлари 20-21 мартда бошланади. Ўша даврда бутун табиат уйғона бошлайди. Бундай янгилашни жараянининг бошланиши Шамсия (Қуёш) йили ҳисобида 21 мартга тўғри келган биринчи янги кунни «Наврўз» деб атаганлар.

Ўрта асрнинг буюк мутафаккири Беруний мазкур йил ҳисобининг бошланиш оyi ҳисобланган фарвардин оyi тўғрисида шундай ёзади: «Наврўз» янги йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони тақозо этади. «Наврўз» эронликлар зижлари бўйича ўтмиш замонларда улар йилларни қабиса қилган вақтларида Қуёшнинг саратон буржигига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тўқилишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда шаҳват кўзғолишидан то насл вужудга келгунча ва ўсимлик униб чиқа бошлагунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун «Наврўз» оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаарида ривоят қилинишича: «Наврўз» куни пайғамбар Алайҳиссаломга ҳолва солинган кумуш жом ҳадя қилинган. Пайғамбар: «Наврўз» нима?»,— деб сўраганлар. «Эронликларнинг улуғ хайити»,— деганлар. Кейин пайғамбар ҳолвани еб, жомни синдириб суҳбатдошларига тақдим этгантар. Улар: «Кошки биз учун ҳар куни «Наврўз» бўлса эди», — деган.

Машҳур олим Умар Хайём «Наврўзнама» асаарида «Жамшид шу кунни (Фарвардин ойининг боши) «Наврўз» аталсин дея фармон беради ва одамларга ҳар йили фарвардиннинг киришини байрам қилишни, уни янги йил деб ҳисоблашни буюрди», — дея ёзади. Улуғ шоир Алишер Навоий ижодида ҳам «Наврўз» ўз ифодасини топган. «Садди Искандарий» достонида Наврўзнинг байрам қилиниши куйидагича акс этган:

Ки бу сир эрур олам афруз ҳам,

Хусусан эрур фалли Наврўз ҳам.

«Наврўз» ҳақида жуда кўп тарихий асарлар, ривоятлар мавжуд. Юқоридагилардан ташқари Фирдавсийнинг «Шохнома», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк», Хожа Али Термизийнинг «Наврўзнама», «Солнома» асарларида, шунингдек Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Нодира, Увайсий, Зебунисо ижодларида Наврўз ҳақида фикрлар баён этилади. Огаҳий Наврўзни шундай куйлади:

Эй ёр санга тангри таборак бўлсун,

Наврўз ила тоза йил муборак бўлсун,

Илоҳи, ҳар кунинг Наврўз бўлсун,

Ҳамиша толеъинг Феруз бўлсун.

Мустақил Ўзбекистонда «Наврўз» ҳар йили катта тантана билан нишонланмоқда. «Наврўз» арафасида умумхалқ ҳашарлари ўтказилади. Ой давомида хайрия ишлари: етим ва ногиронларга, мухтожларга ёрдам бериш, қарияларни кадрлаш, улар ҳолидан хабар олиб зиёрат қилиш, касаллар ҳолидан хабар олиб, уларга совға-саломлар улашиш, болалар уйларига турли

совғалар топшириш тадбирлари амалга оширилади. Барча касб эгалари «Наврўз»га атаб ўзларининг хайрияларини, ҳадяларини тайёрлайдилар.

«Наврўз» арафасида ва байрам кунлари сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара ва бошқа турли-туман таомлар пиширилади. Қизлар «Наврўз»да киядиган либосларни тайёрлашга киришади. «Наврўз»га санъат аҳллари алоҳида, махсус тайёргарлик кўрадилар. Улар «Наврўз» га бағишланган куй, кўшиқ, рақс томошаларини кунт билан тайёрлайдилар ва турли жойларда, сайилгоҳларда халққа ижро этиб берадилар. «Наврўз» кунлари шаҳар ва кишлоқларда катта томошалар, тантаналар ва халқ сайиллари бўлиб ўтади.

Пойтахтимизнинг «Миллий боғи»да ҳар йили Республикада энг йирик «Наврўз» театрлаштирилган томошалари бўлиб ўтади. Бу марказий тадбирда санъаткорлар баҳорни кутиб олиш, табиатнинг янгиланиши, инсонлар дилларининг покланиши ва далалардаги янги меҳнат мавсумига бағишланган куй ва кўшиқлар ижро этишади. Ҳар бир вилоят вакиллари махсус томошалар кўрсатишади.

«Наврўз»га бағишланган томошадан кейин барча вилоятлар марказларида, пойтахтнинг асосий майдон ва кўчаларида умумхалқ сайиллари бўлиб ўтади, турли танловлар, мусобақалар ташкил этилади.

Ҳозирги даврда мустақил диёримиз учун «Наврўз» кишиларга яшариш ва бунёдкорлик, покланиш ва янгиланиш, руҳий кўтаринкилик олиб келадиган асосий байрам бўлиб колди.

Қурбон ва рамазон хайитлари

Юртимизда ислом дини билан боғлиқ Рўза ва Қурбон ҳайити байрамлари умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинган. Лекин собиқ Иттифоқ даврида бу байрамлар ҳам таъқиқланган эди. Мустақилликнинг кўлга киритилиши билан ушбу байрамлар миллий қадрият сифатида қайта тикланди. 1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Президентининг «Рамазон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Фармонда, жумладан шундай дейилади: «Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб

хамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам — Рамазон ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин».

1992 йилдан бошлаб ҳар йили мамлакатимизда Рамазон ва Қурбон ҳайити умумхалқ байрами сифатида нишомланади. Ушбу байрам кунлари биринчи навбатда дунёдан ўтганлар руҳига тиловат қилинади, кексалар ва ногиронларга ёрдам берилади, қариндош-уруғлар, яқин кишилар бир-бирларини табриклашади, омонлик тилашади. Болаларга турли совға-саломлар улашилади. Маҳаллаларда қизлар «келин кўрди»га боришади. Умуман бу ҳайитлар халқимизнинг ҳамжиҳатлигига, меҳр-шафқатнинг кучайишига, оқибатли бўлишга хизмат қилиб келмоқда.

Қадимий маросимлардан – тўйлар ҳақида ўйлар

Ҳамма халқларда ҳам қадимий маросимларнинг бири тўйдир. Бизнинг халқимиз тўйга тайёргарлик кўриб яшади. Ўғил туғилса, суннат тўйига тайёргарлик кўрилади. Қиз туғилса, сеп йиғила бошланади. Шу сабабли тўй халқимизнинг қадимий маросими, қариндош-уруғ ва дўсту-ёрлар дийдорига тўйиш, улар билан учрашиш, яхши куй-кўшиқни эшитиш, кўпқарию курашни томоша қилиш воситаси сифатида қадрланади. Кексаларимиз доимо «Топганинг тўйга буюрсин», «Тўйдан бошинг чиқмасин», «Уйинг тўйхона бўлсин» деб дуо қилишади.

Бизнинг халқимизда тўйларнинг бир қанча турлари мавжуд, жумладан бешик тўйи, никоҳ, хатна тўйи, ховли тўйи, мучал тўйи, пайғамбар еши, юбилейлар, олтин тўй, кумуш тўй ва ҳ.к.

Тўй қилинишдан мақсад нима? Агар бунинг моҳиятига чуқурроқ ёндошадиган бўлсак, нима учун бир инсон кўп йиллар топган-тутганини бир кунда элга едириб-ичиради? деган савол туғилиши табиий. Тўй қилган одам баъзан қарзга ҳам ботади, лекни шунга қарамай, элга тўй қилиб беради? Нима учун? Мақсад халқ орасида обрў олишми? Ёки одамларни қойил қилишми? Ёки палончи тўй қилмади. Элнинг тўйини еган деган гапдан қочишми?

Агар тўй қилишнинг бош мақсадини ўйлаб кўрсак, фарзандларга халқнинг дуосини олиб бериш эканлигини биламиз. Лекин собиқ Иттифок вақтида ушбу муаммо, яъни инсон учун дуонинг қудрати муаммоси четга сурилиб кўйди.

Аммо хорижда дуонинг кучини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, яхши натижаларга эришганлиги маълум. Ислом илмида ҳам дуонинг кучи ижобий баҳоланади.

Ота-боболаримиз: «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасму»,— деб бежиз айтишмаган. Шу сабабли оталар-оналар болаларига кўпчиликнинг дуосини олиб бериш учун тўй қиладилар. Аммо, собиқ Иттифок даврида бу нарса бутунлай унутилади, худосизлар жамияти тўйларга кундалик тантана тусини берди. Шу сабабли тўйлар фақат хурсандчилик қилиш, еб-ичиш, ўйин-кулги қилиш, ичкиликбозликни кучайтириш, томоша кўрсатиш воситасига айланиб қолди ва ким ўзарга тўй қилиш, артистларни кўпайтириш, кунлаб кўпқари бериш пойгаси бошланиб кетди.

Аслида тўйнинг ҳақиқий мазмун-моҳияти бутунлай ўзгариб кетди. Ҳозирги кунда, яъни мустақилликдан кейин ҳам тўйларни асл ҳолига қайтариш, тарбиявий аҳамиятини кучайтириш кийин кечмоқда.

Шу сабабли бир ижтимоий тузумдан иккиичисига ўтиш жараёнида халқ анъналари, урф-одатлари ва маросимларини давр руҳига мослаштириш, уларни миллий, қолаверса, умум-инсоний қадриятлар даражасига кўтариш кун тартибига кўйилади.

Халқимиз ўзининг хурсандчилигини ҳам, хафагарчигини ҳам турли маросимлар, расм-русумлар, Удумлар орқали намойиш қилади. Жумладан, халқимиз томонидан ўтказиладиган тўй тантаналари, мотам маросимлари, улар билан боғлиқ хилма-хил урф-одатлар фикримизнинг далилидир.

Тўй ва маросимлар қанчалик яхши бўлмасин, улар халқимизнинг маънавий юксалишида ижобий рол ўйнамасин, уни ўтказиш билан боғлиқ баъзи ортиқча расм-русумлар, одат тусига кириб бораётган сунъий удумлар жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, оилаларни маиший

барқарорлигининг таъминлашига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши табиийдир.

Ортиқча дабдабозлик, шуҳратпарастлик каби салбий ҳолатлар, сохта обрў орттириш, ўзини унутиб маросимлар ўтказилиши ҳаром, меҳнатсиз кинғир йўллар билан топилган бойликлар ҳисобига бўлаяпти.

Албатга шунақанги усул билан сохта «инсонпарварлик» намуналарини кўрсатиб, меҳмоннавозлик қилиш, ўзини шу йўл билан ўзгаларга тантилиқда намуна қилиб кўрсатиш, маросимларни ўтказишдаги ким ўзарга ҳаракат қилишлар халқимизга салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Шундай экан, халқимизнинг жуда гўзал, мазмунан рангба-ранг тўю маросимларини ўтказишда ким ўзарга йўл кўймай, балки улар мазмунини эсда қоладиган, ёшларимиз тарбиясига ёрдам берадиган тарзда ташкил этсак ҳаётимиз янада гўзаллашади.

Бу нарса бугунги гап эмас. Миллатимиз ичидан етишиб чиққан таракқийпарвар зиёлилар — жадидлар халқнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш учун турли хурофот ва зарарли бидъатларга қарши курашишни мақсад қилиб қўйган эдилар ҳамда улар ўз асарлари орқали серҳашам ва дабдабали тўй-маъракаларни ўқазилганини кескин қораладилар.

Маърифатпарвар жадидлар — Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирий, Абдулҳамид Чўлпон, Исҳоқхон Ибрат ва бошқалар «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» каби нашрларда халқнинг маиший турмушига алоҳида эътибор беришиб, хусусан миллий тўйлар ва уларнинг ўтказилишига нисбатан қимматли фикрлар билдирдилар. Чўлпон «Садойи Фарғона» газетасида тўйлардаги исрофгарчилик ҳақида: «Авваллари қандоқ яхши бўлса, сўнги кунларда ва сўнги йилларда кундан-кун орқага қадам ташламоқдалар... Ул вақтларда бундоқ беҳуда исрофлик тўйлар ҳам бўлмас эди» деб ёзган эди. Муаллифнинг фикрича, бурун деҳқонлар ёз давомида ишлаб топган маблағларини қиш давомида еб-ичар эди, бугунги иқтисодий ночорликларга исрофгар тўйлар ҳам қўшилди.

Фарғона жадиждарининг таниқли намоёндаси Исҳоқхон Ибрат тўйлардаги исрофгарчиликлар, ортиқча ҳаражатни кескин танқид қилади: «Ҳали ҳам биз ўз динимизча ҳаракат қилмай, ақча топмоқ, хою-ҳавас овлоқ тўйларга ўн минг беҳуда сарф қиламиз, қайси уламо ҳалол деб буларга фатво берган... Бу аҳволи баъдлар, бу мараз дарду доруси илмдир». Ибрат бу фикрлари билан замона ёшларини илм ўрганишга чақиради ва илмли кишиларнинг ортиқча хою-ҳавасга берилмаслигини уқтиради.

Жадиждар «Шўройи исломия» ташкилотининг тўй-маъракаларни тартибга солиш тўғрисида «Нажот» рўзномасида эълон қилинган қарорномасида шундай сатрлар битилган: «Туркистон мусулмонларининг съезди мана шу ҳолни эътиборга олуб, орамизда бўлиб турган баъзи бидъат ва хурофотларни, чунончи тўй, маърака, гап, базм... ва жаноза куни бўладурғон хурофатларни биккулия (ҳаммасига) барҳам беришга қарор қилди». Шунингдек, мазкур қарорномада жаноза, қиз, суннат туйларини ўтказиш тартиби батафсил кўрсатиб берилган.

Ушбу қарорнома ҳозирги даврда ҳам ўз долзарблигини умуман йўқотмаган. Чунки, XXI асрнинг бошларида ҳам мамлакатимизда ўтказилаётган тўй-маъракаларда исрофгарчиликка, дабдабазликка, ортиқча ҳаражатларга йўл қўйиш, бу маъракаларга обрў ва эътибор топишнинг бир воситаси сифатида муносабатда бўлишдек зарарли иллат ҳамон жамиятимиз тараққиётига ғов бўлиб турибди.

Туркистон жадиждари йўлбошчиси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг (1875-1919) «Аъмолимиз ёинки муродимиз» («Ойина», 1913 йил 6—7-сонлар), «Бизни кемирувчи иллатлар» («Ойина», 1915 йил, 13-сон) каби мақолалари босилиб чиқди ва уларда тўю-маросимларни тартибли, ихчам ўтказиш таъкидланади.

Тараққийпарвар жадиждар Туркистоннинг турғунлик, қолоқлик ва жаҳолат гирдобидан қутулишга нималар ҳалақит бериши ва тараққиёт сари қолоқликни бартараф этишга ҳалақит бераётган сабабларни олдиндан кўра олганлар. Гўёки шариат билан ҳимоялангандай туюлувчи, бироқ аслида

мусулмон қонун-қоидаларига зид ҳолда кишиларнинг енгил бўлмаган ҳаётини янада мушкуллаштирувчи зарарли урф-одатлар халқни тараққиётдан орқага тортмоқда.

Демак, миллатпарвар зиёлилар ўлкамизнинг жуда аянчли аҳволи, аҳолининг эрк ва ҳурриятга интилишларини бўғиш сабабларини, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги турғунлик ҳолатларини англаб, жамиятни ислоҳ қилиш, барча эскириб қолган, зарарли урф-одатларни, маросимларни қўлай, камчиқим қилиб ўтказиш ғоясини илгари сурдилар.

Собиқ шўро тузуми даврида бир қатор «янгича урф-одатлар» тикиштирилди. Натижада ўтказилаётган маросим ва тадбирлардан миллийлик кўтарилди. Оқибатда тўйларимизда ичкиликбозлик кучайди. Ҳатто никоҳ тўйларида «горько» дейишгача бориб етилди. Қарияларнинг панд-насихатларига кулоқ солмай, уларни эскилик сарқитига чиқариб кўйилди. Ота-онанинг розилигисиз, умр йўлдошининг ким эканлигини, таг-тугини суриштирмасдан «ёниб турган севги» асосида оила қуриш натижасида озгина қийинчиликка бардош беролмай кўпчилик оилалар бузилиб кетди. Ажралиш одатий ҳолга айланди. Натижада минглаб болалар кўчада, қаровсиз қолди ёки болалар уйларида топширилиб, ота-она меҳрига зор бўлиб ўсиши натижасида жиноятчилик кўпайди.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳам дабдабали, ким ўзарга, кўз-кўз учун бўлаётган тўйлар кам эмас. Аслида, агар тўй муносабати билан бир қатор кадрдон ва ватандош ёр-биродарлар бир жойга йиғилиб, хурсандчилик қилиб, самимий суҳбат қилсалар, албатга бир миллат ва халқ ўртасида бўлган самимий муҳаббат ва меҳрибонлик зиёда бўлади. Баъзилар орасида олдинги кек ва қудурат шу баҳонада йўқолади.

Дафн маросимлари

Энг муҳим ва таъсирчан маросимлардан дафн маросимлари турли халқларда турличадир. Халқимизда дафн маросимларида бу дунёда ҳалоллоқ яшаш, бир-бирини ҳурмат қилиш, меҳнат қилиб, оллоҳнинг буюрган фарз ва суннатларини бажариш ва иймонли бўлишга даъват этилади. Марҳумларнинг

хотираларига бағишлаб йигирма, йил оши, қирқ ва ҳоказо маросимлар ўтказилади, уларда ўтганларнинг руҳи шод бўлиши учун қуръон калималаридан тиловат қилинади. Ундан ташқари марҳумлар хотираси ёд этиладиган бошқа тадбирлар ҳам ўтказилади, рўза, қурбон ҳайитларида ва тўйдан олдин худойи берилади. Халқимизда «ўлик тўймаса, тирик тўймайди», деган нақл ҳам бор. Шу сабабли уларни хотирлаб, руҳига тиловат қилиб туриш ҳар бир комил фарзанднинг бурчи ҳисобланади.

Ҳар қандай инсон, у бой ёки камбағал бўлишидан катъий назар дафн маросимида, қабристон ичида ювошлашиб, мулойимлашиб қолади ёки ўзи ҳам дунёда омонат эканлигини ҳис қилади. Бир оз инсофга келса ҳам ажаб эмас. У ўлим табиат қонуни эканлигини, ўлимдан ҳеч ким қочиб қутулолмаслигини ҳис қилади.

Шу сабабли оллоҳнинг ўз бандаларига берган умри, тириклик бу ғаниматдир ёки вақтинчадир. Умр инсонга берилган буюк неъматдир. Унинг қадрига етиш, уни беҳуда ўтказмаслик, ҳар хил маза-бемаза ишларга сарфламай ундан оқилона фойдаланиш, тирикликни мазмунли ўтказиш, вақтнинг қадрига етиш, қисқа ҳаёт даврида ўзидан яхши ном қолдириш учун хайрли ишларни қилиш ҳар бир фозил инсонга хос хусусиятдир.

Инсон ўз ҳаётини сарҳисоб қилиб бормоғи, хайрли амалларга, хайрли ишларга эътиқод кўймоғи, савоб ишларни кўпроқ қилмоғи, саҳоватли бўлмоғи яхши фазилатдир. Афсуски умрини бекорга, зулмкор ишларга сарфлаб ўтказаётганлар ҳам йўқ эмас.

Инсон вафоти билан ўтказиладиган бир қатор маросимлар, айниқса ким ўзарга «ош беришлар», қабрга ҳашаматли соғана қуришлар, исрофгарчилик, булар динимизда ҳам бидъат саналади. Кўп жойларда сақланиб қолган жанозада пул улашиш, қарз олиб бўлсада, марҳум хотирасига ош тортиш ва бошқа Қуръони каримда фарз қилинмаган ортиқча ҳаражатларни қилиш ўрнига, улар марҳумларнинг оиласига ёрдам бериш, хотира майдонлари ва қабристонларни зиёратгоҳга айлантиришга сарфланса савоб иш бўларди.

Мавсумий маросимлар

Ўзбек халқи орасида кенг тарқалган, миллий тусга эга бўлган урф-одатлардан мавсумий маросимлар диққатга сазовордир. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича ўзбек мавсумий маросимларини қуйидаги туркумларга тасниф этиш мумкин.

1. Қишда ўтказиладиган гап-гаштак.

2. Баҳорги маросимлар — срга кўш чиқариш, лола сайли, «суст хотин» ва ҳ.к.

3. Ёзги маросимлар — қовун сайли.

4. Кузги маросимлар шамол чақириш, узум сайли, ҳосил байрами.

Ушбу маросимлардан ҳозир халқимиз ичида кенг тарқалганларидан, гап-гаштак, лола сайли, қовун сайли ва ҳосил байрамидир. Бу маросимлар турли вилоятларда турлича ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда тўй-маъракаларни замонага мослаштириш, кам чиқимли, лекин файзли ва тароватли қилиб ўтказиш ҳозирги даврнинг асосий талабидир. Зеро, алломалар уқтирганларидек ўтмиш тарихидан беҳабар халқ — мазлум халқ, тарихини ўрганган ва билган халқ буюк ва қудратли халқ. Шу сабабли халқимиз маросимлари ва урф-одатлари тарихини чуқур ўрганиш, уни сайқаллаштириш ва дунёда ўзлигимизни кўрсата билиш даври келди.

Бунда Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумларнинг хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солишга бағишланган фармонлари, халқимизнинг турли маросимлар, урф-одатларини бозор иқтисодиёти талаблари шароитидан келиб чиқиб, ихчам ва чиройли ўтказишига дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги даврда юртимизда жамиятни маънавий юксалтириш, миллий қадриятларимизни тиклаш, уларнинг умрбоқийлигини таъминлаш борасида жуда катта ғамхўрликлар қилинмоқда.

Шукроналар бўлсинки, халқимиз мустақиллик шарофати билан ўзлигимизни намоёиш қиладиган анъналаримиз, оилавий-маиший қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтадан тиклаш, уларни мазмунан бойитиш, умрбоқийлигини таъминлаш имкониятига эга бўлди. Шарқ халқларининг муҳим қадрияти ҳисобланган «Наврўз», «Меҳржон» байрамлари, қадимий диний қадриятлар ҳисобланмиш «Рамазон ҳайит» ва «Қурбон ҳайит»лари халққа қайтарилди. Улар билан боғлиқ расмрусум, урф-одатларни давр талабига, инсонларнинг эҳтиёжига қараб мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда.

3§. Мавзу юзасидан бир соатлик дарс ишланмаси

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ	
мавзу	Миллат маънавиятимиз ривожда халқ оғзаки ижоди ва миллий байрамларнинг ўрни

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Талабалар сони: 50-70 гача</i>	<i>Вақти: 2 соат.</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Информацион баҳс-мунозарали дарс
<i>Маъруза режаси</i>	<p>1. Миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижоди.</p> <p>2. Миллат маънавияти ривожда миллий байрамларнинг тутган ўрни.</p>
<p>Ўқув машғулотининг мақсади: Миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижодини ўрганиш, миллат маънавияти ривожда миллий байрамларнинг тутган ўрнини ёритишдан иборат.</p>	
<i>Педагогик вазифа:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i>
1. Миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижоди очиб берилади.	Талабалар миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижоди билан танишадилар.
2. Миллат маънавияти ривожда миллий байрамларнинг тутган ўрни ёритилади	Талабаларга миллат маънавияти ривожда миллий байрамларнинг тутган ўрни ёритилади.
<i>Ўқитиш усуллари ва</i>	Маъруза, “Нимада?” технологияси, БЛУМ

<i>техника</i>	таксофонияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Компьютер технологияси (“Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа бўлиб ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усулларини қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ.

1.2. “Миллат маънавиятимиз ривожда халқ оғзаки ижоди ва миллий байрамларнинг ўрни” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлар и ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчилар</i>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга янги мавзунинг режаси ёзилади. (1-илова).</p> <p>1.2. Курснинг кириш қисми тушунтириб берилади. Миллий маънавияти ривожда халқ оғзаки ижодининг тутган ўрни ёритиб берилади.</p> <p>1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништирилади.</p>	<p>Тинглайдилар,</p> <p>ёзадилар.</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Тинглайдилар</p>
2- босқич	<p>2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради</p>	<p>Ёзадилар.</p> <p>Ёзадилар.</p>

<p>Асосий босқич (55 дақиқа)</p>	<p>2.2. Миллат маънавияти ривожда миллий байрамларга оид маълумотларни беради. (2-илова).</p> <p>2.3. Миллий байрамлар ва кадрларнинг бугунги кундаги аҳамиятини ёритиб беради; (3-илова).</p> <p>2.4. Дастлабки қадимги халқ оғзаки ижоди ҳақидаги маълумотларни беради; (4-илова).</p> <p>2.5. “Тушунчалар таҳлили” технологияси асосида ўқув материали мустаҳкамланади. (5-илова).</p>	<p>Тинглайдилар, Саволларга жавоб берадилар. Таҳлил қиладилар.</p>
<p>3. Яқуний босқич (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади.</p> <p>3.2. Талабалар билимларини мустаҳкамлаш учун саволларни беради (6-илова).</p>	<p>Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.</p>

1-илова

Мавзу: “Миллат маънавиятимиз ривожда халқ оғзаки ижоди ва миллий байрамларнинг ўрни”

Режа:

1. Миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижоди.

2. Миллат маънавияти ривожда миллий байрамларнинг туганган ўрни.

Ўқув машғулотининг мақсади: Миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижодини ўрганиш, миллат маънавияти ривожда миллий байрамларнинг тутган ўрнини ёритишдан иборат.

Ўқув фаолиятининг натижаси: Талабалар миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижоди билан танишадилар. Талабаларга миллат маънавияти ривожда миллий байрамларнинг тутган ўрни ёритилади.

2-Илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло». 12 – 10 балл – «яхши». 9 – 6 балл – «қониқарли».

Миллат маънавияти ривожда халқ оғзаки ижоди.

Президен Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида биринчи навбатда минтақа халқларининг энг қадимги ёзма мероси “Авесто” тилга олинади. Ушбу бебаҳо маънавий обидада “борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг рухий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилганлиги” таъкид этилади. Айниқса, ундаги улғ ахлоқий тамойил “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” бирлиги бугунги кунимизда ҳам маънавий аҳамиятини тўлиқ сақлаб келаётганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Халқ оғзаки ижоди ва унинг ноёб дурдоналари ҳам миллат маънавиятини ўзида ёрқин акс эттирувчи ноёб бойлик эканлигини Президент китобида «Алпомиш» достони мисолида ҳаяжонли сатрларда очиб берилган. Бу дostonнинг *“кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг халқона бадиий ифодаси”* эканлиги ҳақидаги мулоҳазалар халқ ардоқлаган баҳодир алплар тимсоли нақадар улғвор рамзларни ўзида яширганига бизнинг диққатимизни тортади. Муаллиф мустақиллик туфайли бор ҳашамати билан қайта тикланган Наврўз байрамнинг чуқур фалсафий мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Бу қадим байрамимиз “биз учун ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устивор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси” бўлиб келаётганлиги таъкидланади. Шу ўринда “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобининг бир ноёб хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатишни хоҳлар эдик. Муаллиф назарий теранликни ёрқин мисоллар, эҳтиросли ифодалар билан ажойиб уйғунлигига эриша билган ва бу билан бизга ўхшаган кўпгина дарслик ва қўлланмалар ёзишга бел боғлаганларга ибратли намуна кўрсатган. У қадим битиклар, халқ оғзаки ижоди, маросим ва урф-одатларимизни маънавиятни шакллантирувчи муҳим мезонлардан эканлигини оддий санаб ўтиш билан чекланмайди, балки уларнинг ҳар бирига бир ёрқин мисол келтириб, ушбу таснифдаги ҳар бир асарда алоҳида бир маънавий олам мавжудлигини кўз олдимизда яққол тавлапантириб берали

Миллат маънавияти ривожда миллий байрамларнинг туган ўрни

Миллий анъаналар - миллий қадриятларнинг бир бўлаги бўлиб, у миллат ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган тушунчалар, белгилар, хусусиятлар, фаолият турлари, одатлар ва ислоҳотларнинг авлоддан - авлодга ўтиш ҳамда мерос бўлиб қолиш тарзи.

Мустақиллик йилларида анъаналарга айланиб бораётган байрамлар ҳам мавжуд:

1 январь - Янги йил.

8 март - Халқаро хотин - қизлар куни.

21 март - Наврўз байрами.

9 май - Хотира ва қадрлаш куни.

31 август - Қатағон қурбонлари шаҳидлари куни.

1 сентябрь - Мустақиллик куни.

1 октябрь - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни.

8 декабрь - Конституция куни.

«Рамазон ҳайит»и (ИЙД ал-фитр).

«Қурбон ҳайит»и (ИЙД ал - АДҲА).

Ўрта Осиё халқлари тарихи билан боғлиқ миллий байрамлар ҳам бор: Мустақиллик байрами, Наврўз, Меҳржон, Бойчечак, Гул сайли

БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ ТОИФАЛАРИ

№	Тоифа (даражалар)	Талаба фаолияти
1.	БИЛИШ	Далилларни билиш ва уларни танлаш технологиясини билиш, ривожланиш қонуниятларини билиш, баҳолаш мезонларини билиш, умумий тушунча, қонун-қоидаларни билиш
2.	ТУШУНИШ	Англаш, ўз сўзи билан ифодалаш, бир тил (тизим)дан бошқасига (масалан, математик тилдан оғзакига ёки аксинча) айлантиради, формула , схема ва диаграммаларни талқин қила олади.
3.	ҚЎЛЛАШ	Билимларни амалиётда қўллаш (масала ёки мисол ечиш, меҳнат операцияларини бажариш, вазиятларни ҳал қилиш, қонун-қоидалардан фойдаланиш).
4.	ТАҲЛИЛ	Бир бутун тушунча, қонун-қоидаларни қисмларга ажратиш, улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ва муносабатларни ўрнатиш, яхлитликни ташкил этувчи тамойилларни аниқлаш.
5.	СИНТЕЗ	Янги таркиб ҳосил қилиш мақсадида берилган қисмларни умумлаштириш, иншо режасини тузиш, берилганларга асосланиб яхлит қиёфани яратиш. Берилган меҳнат операцияларига асосланиб яхлит технологик жараённи лойихалаш.

6.	БАҲОЛАШ	Муносабат билдириш, хулоса яшаш; муайян мезонларга асосан э ёки бу фаолият қонун-қоида, тушунчаларнинг аҳамиятини баҳолаш
----	---------	---

ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очик холда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа холда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гурӯх

Савол	Халқ оғзаки ижоди ҳақида нималарни биласиз?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	

2-гурӯх

Савол	Миллий байрамлар ҳақида нималарни биласиз?
(Ф) Фикрингизни баён	

ЭТИНГ	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	

8-илова

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар.

Инсерт жадвали:

- маълумотларни системалаштиришни (мустақил ўқиш, маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиришни таъминлай ди;
- ўқув маълумотини мустақил ўргангандан сўнг қўлланилади.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;

Матнда қўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:

V - ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

«-» - ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;

+ - янги маълумотлар

? – тушунарсиз (аниқлаштириш, тўлдиришни талаб қилади) маълумот.

Хулоса

Миллий кадриятларимиздан баъзилари ўтмиш мустабид тузум шароитида тазйиқ ва таҳқирга учраган, уларга «эскилик сарқити», «ўтмишнинг кодиғи» деган тамғалар босилган эди. Хатто, болани бешикка белаш, исириқ тутатиш, махси-кавуш кийиш, оёқни сандалда иссиқ тутиш каби беғубор одатлар ҳам шу таҳқирдан четда қолмаган.

Мустамлакачилик сиёсати сохта кадриятлар, бегона тамийилларни зўрлаб киритишга уринди. Халқимизнинг руҳи ва табиатига зид бўлган - ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик, беҳаёлик ва андишасизлик иллатлари илдиз ота бошлаган эди. Миллий маънавий кадриятларни ҳимоя қилиш миллатчилик деб баҳоланди.

Ўзбекистон мустақиллиги маънавий кадриятларни юксалтириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Миллий истиқлол ғояси бу кадриятларни тиклашни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Президент Ислам Каримов «Ота-боболаримиздан қолган эзгу удумга мувофиқ, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишдек ноёб инсоний кадриятларни янги мазмун ва амалий ишлар билан бойитиш ва мустаҳкамлаш зурур», деб таъкидлаган эди. Шу боисдан ҳам «Анъанавий кадриятлар»ни йўқ қилиб тараққиётга эришиш мумкин деган ғоя хавфлидир.

«Нур борки - соя бор» деганларидек, ўз фарзандлик ёки ота-оналик бурчларини унутаетган, муқаддас миллий кадриятларимизни оёқ ости қилаётган айрим кимсалар баъзан учраб турибди. Ўзларини дунёга келтирган оталари ё волидаларини «Қариялар уйи»га жойлайдиган, фарзандларини «тирик етим» қилиб, «Меҳрибонлик уйи»га ташлаб кетадиган кимсалар нафақат миллий ор-номус, оддий инсоф ва виждон, умуман, одамгарчилик йўқлиги миллий кадриятларимизга зид бўлган ачинарли ҳол.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани, бу табаррук заминда азал-азалдан маданий ва маънавий илдизлари теран, юксак интеллектуал салоҳиятга эга халқ яшаб келгани, не-не буюк

зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, дунёвий ва диний илмларнинг умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетгани, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани кўрсатиб берилган.

Шунингдек, аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб кўлёмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиз экани ғурур билан таъкидланади.

Асарда **халқ оғзаки ижодининг** ноёб дурдонаси бўлмиш «Алпомиш» достони ҳақида алоҳида сўз юритар экан, муаллиф уни қаҳрамонлик кўшиғи сифатида баҳолайди. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса, «Алпомиш» ана шу дostonнинг шоҳ байтидир, деб урғу беради муаллиф. «Алпомиш» достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беришини, маънавий тарбия учун улкан аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавиятнинг юксалиши билан узвий боғлиқ бўлган улкан мезон – **муқаддас динимиз** ҳақида ҳам алоҳида тўхталган. Ислom динини одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизими тарзида юксак баҳолайди. Шу билан бирга, бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётганига эътибор қаратади. Шу маънода, халқимиз маънавиятини юксалтириш, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашда унинг таъсирини сақлаш мақсадида муқаддас ислом динимизни

турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаларини баён қилади.

Юртбошимиз, шунингдек, Ўзбекистон заминида етишиб чиққан яна бир гуруҳ қомусий олимларнинг **бемисл илмий-ижодий кашфиётлари ҳақида**, хусусан, Муҳаммад Мусо Хоразмий фаолиятининг умуминсоний тараққиёт ривожига улкан таъсири, Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақида китоб»ининг илмий аҳамияти, Абу Райҳон Берунийнинг илмий жасорати, Ибн Синонинг буюк асарлари, Махмуд Замахшарийнинг оламшумул шуҳрат тўғрисида ҳаяжон билан сўзлайди.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг мазкур фаслида муаллиф миллатимиз маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда **оиланинг ўрни ва таъсири беқиёс эканини таъкидлайди, уни инсон дунёқарашини** белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар - яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори шаклланадиган макон деб баҳолайди. Муаллиф ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиз эканини уқтиради.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавий ҳаётимизни юксалтиришда **маҳалланинг роли ва таъсири** катта экани қайд этилади, юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятнинг ўзига хос кўзгуси бўлган маҳаллаларга маънавий-маърифий оламимизни юксалтиришда янада кўпроқ имконият бериш зарурлиги қайд этилади.

Президентимиз маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил – **таълим-тарбия тизимида алоҳида эътибор қаратиб**, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараённи таҳлил қилади. У узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай

муаммолар йиғилиб қолганини, ўзи шахсан ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида бунга амин бўлганини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам бу ўта оғир ва масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажариш учун астойдил иш олиб борилганини таъкидлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т. «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка, таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. – Т., Маънавият, 1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.
6. Каримов И.А. Эгали юрт эркини бермас. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001.
7. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидаги сўз боши. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001.
8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. -Т.11. -Т.: «Ўзбекистон», 2003.
9. Каримов И.А. Эл-юртга ҳалол, виждонан хизмат қилиш ҳар бир раҳбар-нинг муқаддас бурчи. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004.
10. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин. Т.12. -Т.: Ўзбекистон, 2004.
11. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжи-ҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. -Т.12. -Т.: «Ўзбекистон», 2004.
13. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. -Т.: «Ўзбекистон», 2005.
14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. -Т.: «Ўзбекистон», 2005.

15. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: «Ўзбекистон», 2005.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008.
17. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. -Т.: «Шарқ», 1997.
18. Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. -Т.: «Академия», 2003.
19. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, -Т.: «Ўзбекистон», 2001.
20. Назаров Қ., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар.-Т.: «Янги аср авлоди» 2002.
21. Муродов М., Қорабоев У., Рустамова Р. Этномаданият. -Т.: Адолат, 2003.
22. Бекмуродов А.Ш. Маънавий-маърифий фаолият: устувор масалалар ва инновациялар. -Т.: ТДИУ, 2005.
23. Лафасов М.Ф. ва бошқалар. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув қўлланмаси (кирил ёзувида). – Тошкент, «Янги аср авлоди», 2001.
24. Лафасов М.Ф. ва бошқалар. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Тошкент, «Ижод дунёси», 2002.
25. Лафасов М.Ф. ва бошқалар. Ғоя ва мафкура. - Тошкент, «Ижод дунёси», 2002.
26. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т, «Ўзбекистон», 2000 йил.
27. ©Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий марказ. Designed by Md.
28. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2001.
29. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавр босқичи учун дарслик. – Тошкент, «Академия» нашриёти, 2005.
30. Мунавваров З. Дунёвий давлат ва дин. Халқ сўзи, 1998 йил 3 март.
31. Нуриддинов М. Тараққиёт ва таассуб. Халқ сўзи, 1998 йил 4 февраль.
32. Султонмурод Олим. Байрамларимиз. – Тошкент, «Маънавият». 2007.

33. Султонмурод Олим. Истиклол – бахтим, саодатим ... Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти. 2007.
34. Турғунов С. Ўқувчиларда Ватанга муҳаббат туйғусини ривожлантиришда мактаб раҳбарларининг ўрни.// «Халқ таълими» журнали, 2006 йил 1-сон.
35. Удовик С.Л. Глобализация: семиотические подходы. – М., «Ваклер», 2002.
36. Шаропов Ш. Ҳақиқат йўли.// Туркистон газетаси, 2003 йил 13-март.
37. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005.
38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-451-сон 2006 йил 25 августдаги қарори.. «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида».
39. Қорабоев У. Маданий тадбирлар. – Тошкент, 2003.
40. Қурбонов М. Биз англаётган ҳақиқат. Тошкент, “Маънавият”, 2007.
41. Қуронов М. Янги қонун зарур. /Миллий тикланиш, 2000 йил 7 март.
42. Қуронов М. Миллий тарбия. – Тошкент, «Маънавият». 2007.
43. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги. – Тошкент, «Маънавият». 2007.

